

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАКУЛЬТЕТИ
«ИҚТИСОДИЁТ» КАФЕДРАСИ**

5230100 - Иқтисодиёт таълим йўналиши

53-16 гурух талабаси

ШАИМОВ ЭЛЁР ИХТИЁР ЎГЛИНИНГ

**“САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА
РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЎРНИ ВА
УЛАРНИ ЖАЛБ ЭТИШ ЙЎНАЛИШ ЛАРИ (МИЛЛИЙ
ИҚТИСОДИЁТ МИСОЛИДА)”**

мавзусида бажарган

БИТИРУВ-МАЛАКАВИЙ ИШИ

Ҳимоя учун қабул қилди:

“Иқтисодиёт”
кафедраси мудири и.ф.н.
доцент О.Сатторкулов

«__» _____ 2020.

Илмий раҳбар:

“Иқтисодиёт” кафедраси
доцент О.Сатторкулов

“__” _____ 2020 й

Гулистон – 2020

Битирув малакавий иш Гулистан давлат университетининг 2019 йил “27 ” ноябрдаги № 713-С сонли буйруғи билан тасдиқланган Давлат аттестация комиссиясининг _____ – сонли йиғилишда мухокама қилинди ва “_____” балл билан (_____) баҳоланди.
(аъло, яхши, қониқарли)

Битирув малакавий иш “Ижтимоий - иқтисодий” факультетининг 2020 йил “_____” _____ даги _____ – сонли илмий-услубий кенгаши қарори билан давлат аттестация комиссиясига ҳимоя қилиш учун тавсия этилди.

Факультет декани:

Б.Туйчибоев

Битирув малакавий иш “Иқтисодиёт” кафедрасининг 2020 йил “27 ” майдаги №12– сонли йиғилишида мухокама қилинди ва ҳимояга тавсия этилди.

Кафедра мудири:

О.Сатторқұлов

БМИ бажарувчи “5230100 - Иқтисодиёт” таълим йўналиши 53-16 гурух

талабаси _____ Шаймов Элёр

Раҳбар: “Иқтисодиёт” кафедраси доц._____ О.Сатторқұлов

	МУНДАРИЖА	бети
	Кириш	3
I боб	САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯ ЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ	
1.1.	Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришида инвестициялар ва уларнинг моҳияти	
1.2	Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришига хорижий инвестицияларни жалб этишининг зарурати ва унинг иқтисодий асослари	
1.3.	Миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибадор лигини ошириш омиллари	
II боб	САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯ ЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ НИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ	
2.1.	Халқаро капитал миграцияси ва унинг гурӯхланиши	
2.2.	Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестициялардан самарали фойдаланишнинг сифат кўрсаткичлари таҳлили	
2.3.	Минтақада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизими	
2.4.	Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришнинг инвестицион асосларини такомиллаштириш	
III боб	Битирув олди амалиётининг назарий асослари	
	Хулоса	
	Адабиётлар рўйхати	

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги

Мамлакатда иқтисодий ўсишга, аҳоли турмуш даражасини яхшилашга ҳамда иқтисодиётнинг барча тармоқларида рақобатдошлиқ кўрсаткичини оширишга эришиш, биринчи навбатда саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этиш, ишлаб чиқариш соҳасини модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга боғлиқ. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ўз-ўзидан мамлакатда товарлар ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган барча турдаги иқтисодий ресурсларни оқилона ишлатишда асос бўлади. Кенг маънода инвестиция (сармоя) – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни муайян муддатга тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари (объектлари)га йўналти-ришни англатади. Шуни айтиш лозимки, дунё ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида бирор мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иктисодий ривожланишга эриша олмайди. Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётига жалб қила олмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иктисодий жиҳатдан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолатда муаммонинг энг яхши ечимларидан бири – молиявий маблағлари ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлардаги капитал ресурсларни, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига жалб этишdir. “Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан 2019 йил – “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да салмоқли натижаларга эришдик. Барча соҳалардаги ижобий натижалар қаторида инвестициялар ҳажми ҳам сезиларли даражада ошди. Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга

эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди”¹.

Жаҳон хўжалик тизимида глобаллашув жараёнлари чуқурлашиб бораётган ва республикамизда очик иқтисодиёт асослари шакллантирилаёт ган бугунги кунда самарали инвестиция сиёсатини юритиш, ишлаб чиқариш объектларини тубдан модернизация қилиш орқали экспорт ҳажмини ошириш ҳамда рақобатбардош товар ва ҳизматларни жаҳон бозорига чиқариш, миллий иқтисодиётга кириб келаётган инвестициялар оқимини кенгайтириш ва инвесторлар фаолиятини рағбатлантириш учун қулай ҳуқуқий ва меъёрий шарт-шароитларни барпо этиш, шунингдек, хорижий инвестициялар самарадорлигини изчил ошириб бориш мазкур мақсадга эришишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, оҳирги йилларда республикамизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилишда инвестицион жараёнларни такомиллаштириш ҳамда хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича қатор ижобий ишлар амалга оширилди.

Жалб этилган хорижий инвестицияларнинг асосий қисми реал секторга, яъни ишлаб чиқариш тармоқларини ривожлантиришга ва техник-технологик қайта қуроллантиришга йўналтирилди. Хорижий инвестицияларни кенг миқёсда жалб этиш натижасида мамлакатимизнинг экспорт салоҳияти сезиларли даражада ошди, кўплаб янги иш ўринлари яратилди, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқлари фаолиятининг самарадорлиги ортди.

Шу муносабат билан республикамизда қулай макроиқтисодий шарт-шароитлар барпо этиш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилишда техник-технologик ва инвестицион янгилашнинг устувор йўналишларини аниқлаш, хорижий инвестициялар жалб этиш самарадорлигини ошириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz.

ишлиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, мазкур илмий иш мавзусининг долзарблигини белгилаб беради.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришда хорижий инвестицияларни ўрни, минтақада инвестицион жозибадорлигини таъминлаш, миллий иқтисодиёт тармоқларини ривожлантиришнинг технологик ва иқтисодий - инвестицион асослари ва уларни такомиллаштириш, хорижий инвестициялар жалб этиш самарадорлигини оширишнинг айрим назарий ва амалий масалалари МДҲ иқтисодчи-олимлари – Андрианов В.Д., Бланк И.В., Васильев В.А., Глазьев С.Ю., Комаров В.В., Лешенко М.И., Шумский Н., Шишков Ю. ва бошқалар томонидан кенг ўрганилган.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон хўжалик тизими билан интеграциялашувида, шунингдек реал тармоқларини модернизациялашда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва роли, уларнинг миллий иқтисодиёт ривожланишига таъсири, ишлиб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш зарурати ва омиллари республикамиз иқтисодчи-олимлари – Вахабов А.В, Алимов А.М., Бедринцев А.К., Йўлдошев Ш., Исажонов А., Мўминов Н, Марпатов М., Орифхонов Ш., Рассоқов Р.М., Расулов А.Ф., Сиражиддинов Н., Трушин Э.Ф., Турсунов Б.М., Тўхлиев Н.Т., Шодиев Р.Ҳ. ва бошқалар томонидан тадқиқ қилинган.

Юқорида номлари зикр этилган олимларнинг инвестиция сиёсатини такомиллаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш самарадорлигини ошириш масалаларини илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишга қўшган ҳиссаларини эътироф этган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, миллий иқтисодиётни хар томонлама ва изчил ривожлантириш иқтисодиётни самарали модернизациялаш, фаол инвестиция сиёсатини юритишни талаб этади. Инвестиция сиёсати хар кандай давлатнинг иқтисодий ривожланиши ва унда ишлиб чиқаришни кенгайтириш нинг энг асосий йўналишларидан биридир. Иқтисодиётни эркинлаштириш шароитида миллий иқтисодиёт

соҳаларига ташқи ва ички инвестициялар оқимини фаоллаштириш иқтисодий юксалишнинг янги босқичини бошлаб берадиган асосий омил хисобланади.

БМИнинг мақсади ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсади саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришда хорижий инвестицияларни ўрни ва аҳамиятини очиб бериш, худуд инвестицион жозибадорлигини таъминлаш жараёни, механизми ва уни такомиллаштириш йўналишлари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишидан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишда **қўйидаги вазифалар** кўйилган:

- Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришда инвестициялар тутган ўрни ва уларнинг моҳиятини очиб бериш;
- Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этишнинг зарурати ва унинг иқтисодий асосларини ёритиш;
- Минтақа инвестицион жозибадорлигини белгиловчи омилларни таҳлил этиш ва баҳолаш;
- Худуд иқтисодиётiga инвестицияларни жалб этиш динамикасини таҳлил этиш ва баҳолаш;
- Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестициялардан самарали фойдаланишнинг сифат кўрсаткичлари таҳлилини келтириш;
- Минтақада инвестицион фаолиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизимини такомиллаштириш омилларини таҳлил қилиш асосида ушбу соҳадаги мавжуд муаммоларни аниқлаш.

БМИнинг объекти сифатида миллий иқтисодиёт ва унинг инвестицион жозибадорлиги танлаб олинди.

БМИнинг назарий ва услубий асослари бўлиб Ўзбекистон Республикаси Президенти асарларида ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини қарор топтириш бўйича илгари сурилган ғоялар, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатлар, мамлакатимиз ва хорижий мамлакатлар олимларининг тадқиқ этилаётган муаммо юзасидан олиб борган илмий ишлари ва асарлари хизмат қилди. БМИни ёзиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги маълумотларидан кенг фойдаланилди.

БМИда иқтисодий-статистик таҳлил, статистик гуруҳлаш, таққослаш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилди.

БМИнинг илмий янгилиги қўйидагиларда ўз аксини топади:

- Худуд инвестицион жозибадорлигини таъминлашнинг назарий-иқтисодий асосларини инновацион иқтисодиёт нуқтаи назаридан очиб бериш асосида, уни такомиллаштиришга оид ҳулоса ва таклифлар шакллантирилган;
- саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамиятини ошириш ва инвестиция ларни иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурияти, омиллари ва йўналишларига оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган;
- хорижий инвестицияларни ўзлаштириш орқали миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизациялашнинг иқтисодий асосларини таҳлил қилиш асосида уни янада такомиллаштиришга оид илмий-амалий таклифлар ишлаб чиқилган.

БМИ натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Мазкур ишнинг назарий аҳамияти “Иқтисодиёт назарияси” фани доирасида мамлакат табиий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланишда хорижий инвестицияларни жалб этишнинг илмий-назарий асослари ва имкониятлари ўрганилганлигига намоён бўлади. Сирдарё минтақаси шаҳар ва туманларнинг иқтисодий ривожланишдаги ўзига хос хусусиятлари ва номутаносибликларни инобатга олган ҳолда хорижий инвестицияларни самарали жалб этишнинг стратегик ва

истиқболли йўналишлари белгилаб олинганлиги изланишнинг амалий аҳамиятини белгилаб беради. Шу билан бирга, иқтисодиётига хорижий инвестицияларни жалб этишнинг асосий йўналишларини аниқлашга доир услубий ёндашув тавсия этилганлиги ҳам илмий-амалий аҳамиятга эга.

БМИнинг таркибий тузилиши. Иш таркиби кириш, иккита боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг **кириш** қисмида танланган мавзунинг долзарблиги, ўрганилганлик даражаси асосланиб, ишнинг мақсад ва вазифалари, илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ёритилган.

Ишнинг биринчи боби “Саноат тармоқларини юқори технология лар асосида ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти” да миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш зарурати ва омиллари илмий жихатдан ёритилиб, худуд инвестицион жозибадорлигини ошириш омиллари ва йўллари, минтаقا иқтисодиётига инвестицияларни жалб этиш динамикаси холати тахлил этилган. Шунингдек, мамлакатимиз инвестиция сиёсатининг асосий тамойиллари ва йўналишлари, инвестицияларнинг асосий моҳияти, турлари ва унга таъсир этувчи омиллар, иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти ва иқтисодиётга жалб қилишнинг объектив зарурлиги асосланган.

Ишнинг икkinchi боби “Саноат тармоқларини юқори технология лар асосида ривожлантиришда хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш ни ошириш омиллари ва йўллари” да саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришнинг инвестицион асосларини такомиллаштириш, таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва технологик янгилашда хорижий инвестицияларнинг ўрни, худуд иқтисодиёти тармоқларида инвестиция фаолиятини тартибга солиш ва рағбатлантириш усуллари, миллий иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилишнинг устувор йўналишлари ўрганилган. Шу билан бирга, инвестиция сиёсати йўналишлари ва инвестицион фаолиятни молиялаштиришнинг ўзига ҳос хусусиятлари,

иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация қилишнинг инвестицион асосларини такомиллаштириш омиллари статистик маълумотлар, кўрсаткичлар хамда хисоботлар асосида таҳлил этилиб, баҳоланган.

Хулоса қисмида тадқиқот натижаларидан келиб чиқувчи асосий таклиф ва тавсиялар умумлаштирилган, инвестиция сиёсатининг самарадорлиги ва инвестицион фаолликни оширишга оид амалий таклифлар шакллантирилган.

I-БОБ. Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти

1.1. Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришда инвестициялар ва уларнинг моҳияти

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, қулай инвестиция иқлими шаклланмасдан ва хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга фаол жалб этмасдан туриб, бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар жаҳон иқтисодий хамжамиятига муваффақиятли интеграциялаша олмайди.

Жаҳон иқтисодиётининг, шу жумладан Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам келгуси тараққиёти, асосан, инвестицияларга боғлиқлигини бугунги кунда ҳар бир билим соҳиби англаб етганлигини назарда тутсак, ҳозирги кунда республикамиз иқтисодиётига инвестицияларни, хусусан чет эл инвестицияларини кенгрок жалб етиш уларнинг мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислохотларнинг самарали ижросини таъминлашнинг мухим асосига айланганлиги билан боғликлигини тушуниб олиш кийин эмас.²

Иқтисодий адабиётларда ва амалиётда "инвестиция" нисбатан аниқ ва кенг кўлланилаётган атама ҳисобланса-да, иккинчи томондан, унинг кўп кирралиги ва зиддиятлилиги нафақат мамлакатимиз, балки хорижий

² Жўраев А.С, Хўжамқулов Д.Ю., Маматов Б. «Инвестиция лойиҳалари таҳлили» Тошкент «Шарқ»2007-526

иқтисодий адабиётларига ҳам хос.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “.....иқтисодиётни юқори суръатлар билан ривожлантириш учун фаол инвестиция сиёсатини изчил давом эттириш зарур. Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик кувватлар ишга туширилади”³.

“Инвестиция” атамасининг моҳиятини аниқлашни иқтисодий адабиётларда кенг қўлланиладиган таърифларни таҳдил этишдан бошлаш мақсадга мувофиқ.

“Инвестиция” тушунчаси бир қатор маъноларга эга бўлиб, бу қисқача қўйилма деган маънони билдиради. Ёки буни фойда олиш мақсвидида акция, облигация сотиб олиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган реал активларни сотиб олиш ва ишлаб чиқариш ҳамда интелектуал ва бошқа моддий бойликлар учун сарфланиши тушунилади, яъни инвестициялар ҳар қандай восита бўлиб, пулнинг қийматини сақлайди, унинг қийматини кўпайтиради, ва ижобий даромад олишни таъминлайди.

Демак, инвестиция сўзи кенгроқ маънони англатиб, бунга қўшимча равишда ўзлаштирмоқ деган маънони ҳам берар экан”⁴.

Инвестиция ҳукуқи соҳасида илмий изланишлар олиб борган рус олими А.Г.Богатирев ҳам юқоридаги нуқтаи назарга яқин позицияни эгаллайди.⁵ Айнан харажатларнинг ишлаб чиқаришга хослиги ва узоқ муддатлилиги кўп ҳолларда муаллифлар томонидан инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасида тенглик ишорасини қўйилишига сабаб бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, Европача услугуб “инвестиция” атамасини қимматли қоғозларга киртилган узоқ муддатли қўйилмаларга нисбатан ҳам қўлланилишига йўл қўяди. Аммо “фақат корпорацияни бошқариш

³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://habar.uz.

⁴ Каримов Н.Ф., Хожиматов Р.Х. Инвестицияларни ташкил этшп ва молиялаштириш" Дарслик. - ТДИУ, 2011-Б. 31

⁵ Богатирев А.Г. Инвестиционное право. М.: Российское право, 2008.-272 с.

имкониятини ўзида акс эттирган ҳолатдагина бундай капитал қўйиш инвестиция бўлиши мумкин".⁶

Американча услуг ҳам "инвестиция" ва "капитал қўйилмалар" атамалари ўртасида тенглик ишорасини қўяди ва унинг иқтисодий мазмунида кўчмас мулкка қилинган қўйилмаларга устуворлик беради.

Инвестиция атамаси тўғрисида сўз юритганда МДҲ мамлакатлари иқтисодий адабиётларида кенг қўлланиладиган бир қатор таърифларни қўриб чиқиши мақсадга мувофиқ. Масалан, рус иқтисодчи-олими Ковалев В.В. - фикрига кўра, "инвестициялар — халқ хўжалигининг турли тармоқларидаги корхоналарга узоқ муддатли капитал қўйиши" (мамлакат ичидаги ёки хорижда)⁷. Кўриниб турибдики, ушбу таърифда инвестицияларнинг мақсади ва соҳалари ўз аксини топмаган. Шу билан бирга ушбу таърифда инвестициялар узоқ муддатли капитал қўйилмаларга тенглаштирилмоқда.

Инвестициялар — асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва қўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгтайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

Лукинов В.А. юқоридаги таърифга нисбатан бир мунча тўлароқ ва аниқроқ таърифни келтиради: "инвестициялар — фойда олиш мақсадида мамлакат ичкарисида ёки хорижда халқ хўжалигининг турли тармоқларига давлат ва хусусий капиталининг узоқ муддатли молиявий қўйилмалари" ⁸.

Мазкур таърифда инвестицияларнинг мақсади кўрсатилган бўлсада, унинг ижтимоий самарани таъминлашдаги роли кўрсатилмаган. Шунингдек, инвестициялар фақат молиявий қўйилмалар сифатида тавсифланган, холос.

⁶ Шарп У., Александр Г., Бэйли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. - М.:ИНФРА-М, 2007. - с.28.

⁷ Ковалев В.В. Методы оценки инвестиционных проектов.-- М.: Финанс и статистика, 2008. -- 144с.

⁸ Лукинов В.А. Проблемы стабилизации и развития инвестиционно-строительной сферы.-- М.: 1998. — 228с.

Ваҳоланки, машиналар, технологиялар, лицензиялар ҳам инвестициялар бўлиши мумкин.

Россиялик иқтисодчилар А.Ю.Андианов, С.В. Валдайцев ҳам инвестицияларга шунга яқин таъриф келтирадилар: "Инвестициялар – давлат капитали ва хусусий капиталнинг фойда олиш мақсадида мамлакат . ичкарисида ёки хорижий мамлакат иқтисодиётига узоқ муддатли молиявий қўйилмалари"⁹. Кўриниб турибдики, ушбу таърифда инвестицияларнинг таркиби келтирилмаган ва бу ерда ҳам инвестицияларни молиявий қўйилмалар сифатида таърифлаш устувор ўринга эга.

"Инвестициялар фойда (даромад) олиш ёки ижтимоий ёхуд иқтисодий самарага эришиш мақсадида турли хил ишлаб чиқариш, тижорат, ижтимоий, илмий, маданий ва бошқа соҳа дастурлари ва лойиҳаларини амалга оширишга киритиладиган пул, мулк ва интеллектуал бойликлармажмуасидан иборат"¹⁰, - деб таъриф беради инвестициялар таҳлили соҳасида илмий изланишлар олиб борган россиялик иқтисодчи О.Синицин.

Мазкур таъриф гарчи кенг қамровли бўлса-да, инвестицияларнинг моҳиятини тўлиқ ва аниқ очиб бера олмайди. Бунда инвестициялар турли хил дастурларни ва лойиҳаларни амалга ошириш учун сарфланадиган пул, мулк ва интеллектуал бойликлар мажмуасидан иборатлиги таъкидланади. Қимматли қофозларга қилинадиган узоқ муддатли қўйилмалар, технологиялар сотиб олиш учун сарфланадиган маблағлар ва бошқа муҳим инвестиция турлари эътибордан четда қолган.

Кўйидаги таърифда инвестициялар ва капитал қўйилмалар ўртасига тенглик ишораси қўйилган: "Инвестициялар (капитал қўйилмалар) — халқ хўжалигининг барча тармоқларида кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни

⁹ Инвестиции: учеб. /А.Ю. Андианов, С.В. Валдайцев, П.В. Воробьев и др.— 2-е изд., перераб. и доп. —

М.:ТК Велби, Изд-во Проспект, 2008. — с58.


¹⁰ Синицин О. Инвестиционныш анализ. Теория выбора // Инвестиции в России. № 1-2, 2007

таъминлашга йўналтирилган моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари йиғиндисидан иборат"¹¹.

Бизнинг фикримизча, Ўзбекистон Республикасининг "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги қонунида келтирилган таъриф инвестицияларнинг иқтисодий-хуқуқий табиатини тўлиқ очиб беради: "инвестициялар - иқтисодий ва бошқа фаолият обьектларига киритиладиган моддий ва (номоддий неъматлар ҳамда уларга доир хуқуқлар; инвестиция фаолияти - инвестиция фаолияти субъектларининг инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ ҳаракатлари мажмуи"¹².

Ушбу таъриф инвестицияларнинг ҳам реал ҳам молиявий турлари мазмунини қамраб олади.

Инвестициялар қўйидаги қўринишларда бўлиши мумкин (1.1-расм).



¹¹ Шапиро В.Д. и др. Управление проектами. — СПб.: "Два Три", 2006. - 17 с.

¹² 11 "Ўзбекистон Республикаси Конуни "Инвестиция фаолияти тўғрисида" ги. 1998 й.24 декабрь, 2-модда

1.1-расм¹³. Инвестицияларнинг таснифланиши

Маблағларни киритиш объектига кўра инвестицияларни икки турга ажратиши мумкин: молиявий инвестициялар ва реал инвестициялар.

Молиявий инвестициялар - маблағларни молиявий активларга киритишдир. Молиявий инвестициялар акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозлар шаклида қатнашиши мумкин.

Узок муддатли молиявий қўйилмалар шаклидаги инвестициялар деганда давлат қимматли қоғозларига (облигациялар ва бошқа қарз мажбуриятлари), бошқа корхоналарнинг қимматли қоғозлари ва Низом капиталига киритилган маблағлар, шунингдек, мамлакат ичкарисида ва хорижда корхоналарга тақдим этилган қарз маблағлари тушунилади.

Реал инвестициялар деганда барча турдаги (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш) номолиявий активларни сотиб олиш мақсадида киритилган маблағлар тушунилади.

Инвестицияларнинг реал ва молиявий турларга ажратилиши уларни таснифлаштиришдаги асосий белгилардан ҳисобланади. Инвестициялаш жараёнига иштирок этиш характеристига кўра инвестициялар бевосита ва билвосита инвестицияларга бўлинади.

Бевосита инвестицияларда инвестор инвестициялаш объектини танлаш ва маблағлар киритишга бевосита иштирок этади. Бевосита инвестицияларни одатда инвестиция обьекти тўғрисида аниқ маълумотга эга, инвестициялаш механизми билан яқиндан таниш, шунингдек бу соҳада катта тажрибага эга бўлган маҳсус тайёргарликка эга инвесторлар амалга оширадилар.

Билвосита инвестициялар инвестицион ёки бошқа молиявий воитачилар орқали амалга оширилади.

Инвестициялаш муддатига кўра инвестициялар қисқа муддатли ва узок муддатли инвестицияларга бўлинади.

¹³ : “Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш” фанидан маърузаа матни. 2009 йил 36-бет

Қисқа муддатли инвестициялар бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга капитал киритишdir. Масалан, қисқа муддатли депозит қўйилмалари, қисқа муддатли жамгарма сертификатларини сотиб олиш ва х.к.

Узоқ муддатли инвестициялар ишлаб чиқариш учун мўлжалланмаган узоқ муддатли фойдаланиш қўзда тутилган активларни барпо этиш, уларни кенгайтириш ва сотиб олишга сарфланган капитал маблағлардир.

Мулк шаклига кўра инвестициялар қўйидаги турларга бўлинади: хусусий, давлат, хорижий ва қўшма инвестициялар.

Хусусий инвестициялар фуқаролар ҳамда мулкчиликнинг нодавлат хўжалик юритиш субъектлари томонидан маблағлар киритишdir.

Давлат инвестициялари - марказий, минтақавий ҳамда маҳаллий ҳукумат ва бошқарув органлари томонидан бюджет, бюджетдан ташқари фонdlар ҳамда қарз маблағлари ҳисобига, шунингдек, давлат корхоналари томонидан уларнинг ўз ва қарз маблағлари ҳисобига амалга оширадиган қўйилмалариidir. Хорижий инвестициялар даромад олиш мақсадида тадбиркорлик ва бошқа фаолият турларига хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган барча турдаги мулкий ва интеллектуал бойликлар мажмуасидир. Хорижий инвесторлар сифатида хорижий юридик ва жисмоний шахслар, давлатлар ва халқаро ташкилотлар қатнашиши мумкин. Хорижий инвестицияларнинг бевосита, портфель ва бошқа турлари мавжуд.

Бевосита хорижий инвестициялар халқаро инвестиция фаолиятининг муҳим тоифаси бўлиб, бир мамлакат хўжалик юритиш бирлигининг бошқа мамлакатдаги корхонага барқарор таъсир ўтказишга интилишини ўзида акс эттиради. Барқарор таъсир ўтказиш деганда бевосита инвестор ва кўрсатилган корхона ўртасида узоқ муддатли муносабатлар ўрнатиш, шунингдек, ушбу корхонани бошқаришда инвесторнинг сезиларли роли тушунилади. Бевосита хорижий инвестициялар Низом капиталига бадал, кредитлар ва бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин. Бевосита инвестициялаш корхонаси корпоратив ва нокорпоратив бирлик сифатида

аниқланади. Унда инвесторга камида 10 фоиз оддий акция ёки акционерлар овози (корпоратив корхоналар учун) ёки шундай иштирокнинг эквиваленти (нокорпоратив корхоналар учун) тегишли бўлади.

Шундай қилиб, бевосита инвестициялаш корхонасига инвестор-резидент 50 фоиздан кўпроқ акция ёки овозга эга бўлган шўъба-корхона ёки компания, бевосита хорижий инвестор улуши 50 фоиз ва ундан кам бўлган асоциаціалашган корхона, тўлиқ ёки қисман инвестор тасарруфида бўлган ва бевосита инвесторга тегишли бўлган нокорпоратив корхона киради.

Портфель хорижий инвестициялар деганда инвестицияларнинг акцияларга, бошқа қимматли қоғозларга киритилиши тушунилади. Қимматли қоғозлар жумласига акциялардан ташқари облигациялар, бонлар, векселлар, депозит сертификатлари, банк акцептлари ва қарз ёзилмалари киради.

Бевосита ва портфель инвестицияларни бир-биридан ажратиш учун амалиётда куйидаги мезондан фойдаланилади: агар инвестор 10 ва ундан ортиқ фоиз оддий акцияларга эга бўлса, бундай инвестициялар бевосита инвестициялар ҳисобланади.

Бошқа хорижий инвестицияларга бевосита ва портфель инвестициялар жумласига кирмайдиган инвестиция турлари киради. Масалан, савдо кредитлари, шунингдек, халқаро молиявий ташкилотлардан олинадиган кредитлар, банк қўйилмалари ва бошқалар.

Минтақавий белгисига кўра инвестициялар мамлакат ичкарисидаги ва хориждаги инвестицияларга бўлинади.

"Мамлакат ичкарисидаги (ички) инвестициялар деганда мамлакат худудида жойлашган объектларга инвестиция маблағларининг киритилиши тушунилса, хориждаги инвестициялар (ташки) мамлакат худудидан ташқарисида жойлашган объектларга инвестицияларни жойлаштириш тушунилади"¹⁴.

¹⁴ Имомов Н.Н. Инвестицияларни ташкил эти шва молиялаштириш.(Ўқув кўлланма) —Т.ТДИУ, 2011.,44-6.

Юқорида келтирилган таснифлаштириш инвестицияларнинг энг муҳим белгиларини ўзида акс эттириб, зарурият туғилганда янада аниқлаштирилиши ва илмий, тадиқот, тадбиркорлик мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда янада кенгайтирилиши мумкин.

Инвестициялар даражаси ялпи ички маҳсулот ҳажмига сезиларли даражада таъсир қўрсатади, миллий иқтисодиётдаги қўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатларига боғлиқ. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган тақрор ишлаб чиқаришни таъминлашни яхшилайди.

Инвестиция жараёни ва иқтисодий ўсиш ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилишда инвестиция мультипликатори муҳим аҳамиятга эга. Уни умумий даромадларнинг ўсиши ва қўшимча капитал қўйилмалар ўртасидаги нисбат сифатида ифодалаш мумкин. Инвестиция мультипликатори инвестицияларнинг даромадларнинг ўсишига таъсирини ифодалайди. Ушбу услугуб дастлаб Р.Ф. Кан томонидан маблағлардан фойдаланиш мультипликатори¹⁵ сифатида таклиф қилинган бўлиб, бу ғоя ушбу олим томонидан амалга оширилган кузатишга асосланган. Ушбу кузатиш натижаларига кўра, маблағлардан бирламчи қўшимча фойдаланишнинг муайян ҳажми тақсимланган даромадлар ва улар билан боғлиқ харажатларнинг аста-секинлик билан ўсиши натижасида улардан фойдаланишнинг иккиласмачи шаклларини келтириб чиқаради. Мазкур ғоя кейинчалик Кейнс томонидан бир тизимга келтирилиб, коэффициент - инвестиция мультипликатори кўринишида тақдим этилди¹⁶.

Унинг моҳияти қўйидагича: капитал қўйилмаларга қўшимча харажатлар даромадлар тўлқинини вужудга келтиради. Бу даромадлар ҳажми уларни олувчининг истеъмолга мойиллик даражаси билан белгиланади.

¹⁵ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное., М.: Эксмо, 2007 г. с.173.

¹⁶ Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: Избранное., М.: Эксмо, 2007 г. с.171.

Инвестиция мультиликаторининг қўлланилиши муҳим тенденцияни ажратиб қўрсатишга имкон беради: капиталнинг бирламчи қўйилмаси умумий даромаднинг ўсиши тенденциясини келтириб чиқаради. Даромад ҳажми истеъмолга сарфланган харажатлар билан боғлиқ тақсимлаш ҳажмидан юқори бўлади.

Жадаллашув тамойили мультиликатор тушунчаси билан биргалиқда иқтисодий циклларни атрофлича таҳлил қилишга, капитал қўйилмаларнинг иқтисодиётнинг нотекис ҳаракатидаги ролини очиб беришга ёрдам беради. Бунда мультиликатор инвестиция жараёнларининг фаолият схемасини ёритиб берса, жадаллашув тамойили унинг асосий шартшароитларини аниқлаб беради.

Ушбу назарий қарашларнинг Ўзбекистоннинг инвестиция соҳасидаги ҳозирги ҳолатини тавсифлашдаги долзарб жиҳатларини алоҳида таъкидлаш лозим. ҳақиқатдан ҳам, иқтисодий ислоҳотларнинг дастлабки даврида Ўзбекистондаги инвестиция тақчилигининг муҳим сабабларидан бири бир томондан, давлат инвестициялари ҳажмининг қисқариши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан, хусусий инвестициялар оқими учун зарурӣ шартшароитларни таъминлашга салбий таъсир қўрсатган пировард маҳсулотга бўлган ички талабнинг кескин қисқариши билан боғлиқ.

Шундай қилиб, асосий макроиктисодий қўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликлар тизимида инвестиция жараёнлари асосий ўринни эгаллайди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга оширишни тартибга солиш соҳасидаги асосий фаолият йўналишларини белгилаб беради.

1.2. Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришга хорижий инвестицияларни жалб этишининг зарурати ва унинг иқтисодий асослари

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миллий иқтисодиёт учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, улар ички жамғармалар даражасидан юқори

миқдорда инвестицияларни амалга ошириш, тўлов балансини қўллаб - кувватлаш ва шунингдек экспорт имкониятини кенгайтириш орқали иқтисодий тараққиётга ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар алоҳида корхоналар фаолияти учун ишлаб чиқариш ва капитал самарадорлигини ошириш, янги технологияларни жорий этиш ва менежмент тизимини такомиллаштиришда ҳам муҳим ўрин тутади. Ушбу жараёнлар мамлакатдаги бошқа ишлаб чиқарувчилар, буюртмачилар ва рақобатчиларга билвосита таъсир кўрсатиши орқали ички истеъмол ва капитал бозорларининг таркиби ва ривожланишига, шунингдек, ишчиларнинг кўникмалари ва амалий тажрибасини оширишга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “...2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман”¹⁷.

Миллий иқтисодиётнинг тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан фойдаланиш самарадорлиги ички ва ташқи бозорнинг ҳажми, табиий ва минерал ресурслар билан таъминланганлиги, малакали ишчи кучи мавжудлиги, замонавий транспорт ва бозор инфратузилмасининг шаклланганлиги, макроиктисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатлари каби кўплаб омиллар билан чамбарчас боғлиқдир. Аксарият ҳолларда бозорнинг иқтисодий салоҳияти ички бозор ҳажми (ялпи ички маҳсулот) ҳамда узоқ муддатни кўзлаган бозор жозибадорлиги (иктисодий ўсиш суръатлари) билан ўлчанади. Маҳалий бозорнинг катта ва ўсишга мойиллиги хорижий инвесторга дастлабки ҳаражатларни оқлаб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва келгусида фаолиятини янада кенгайтириш учун шарт-шароит яратади. Хорижий инвесторлар нафақат маҳалий, балки экспорт бозорининг имкониятларини ҳам ҳисобга оладилар. Маълумки, 1990 йиллар бошларида қатор Шарқий

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz.

Европа мамлакатларининг Европа Иттифоқига аъзо бўлиш истиқболи Европа бозорларига экспорт учун мўлжалланган кўплаб лойиҳаларни амалга оширилишида муҳим омил бўлди.

Ишлаб чиқариш омилларининг кам харжлиги минтақага тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишда муҳим аҳамиятга эга. Баъзи бир иқтисодчиларнинг фикрига кўра мазкур омил айниқса ишчи кучи харажатлари маҳсулот таннархидаги жиддий акс этадиган ишлаб чиқариш тармоқларида, яъни кўп меҳнат талаб этувчи қайта ишлаш соҳалари учун муҳим ўрин тутади. Биз ушбу фикрга қисман қўшилган ҳолда шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчимизки, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида иш ҳақининг пастлиги хорижий инвестиция жалб қилиш учун етарли шарт бўла олмайди. Инвесторлар учун меҳнат самарадорлиги қўпроқ аҳамият касб этади. Шу боисдан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига инвестиция жойлаётган тадбиркорлар иш ҳақи ва меҳнат самарадорлига эътибор қаратадилар.

Импорт йўлида савдо тўсиқлар мавжудлиги ва ички бозорнинг муҳофазаланганлиги ички бозорга хизмат қилишни мақсад қилган инвестицияларни ўзига жалб қиласди. Кўп ҳолларда бозорга кириб бориш қаршисидаги тўсиқлар ва номукаммал рақобат чет эл инвестицияларини амалга ошириш йўлидаги муҳим омиллардан бири бўлади. Бу ўринда шу назарда тутилмоқдаки, импорт қилиш учун мавжуд юқори солиқ ва тарифлар хорижий инвесторлар томонидан савдо тўсиқларини «четлаб ўтиб» бизнес лойиҳаларини бевосита ички бозорда амалга ошириш иштиёқи пайдо бўлади. Бироқ биз шуни ҳам эътиборга олишимиз лозимки, бундай йўл орқали катта ҳажмда хорижий инвестицияларни жалб этиш имконияти фақат йирик ички бозорга ёки экспорт қилиш потенциалига эга бўлган иқтисодиётларга хосдир. Бой табиий ресурслар ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг муҳим детерминанти ҳисобланади. Хусусан, Россия, Озарбайжон ва Қозогистон ўзларининг улкан нефт ва газ ресурслари туфайли жуда катта микдорда чет эл инвестицияларини жалб этишга

эришдилар. Йирик инвестиция лойиҳалари шунингдек Ўзбекистон ва Туркманистоннинг төғ-кон ва нефт-газ соҳаларида ҳам амалга оширилмоқда. Ушбу тармоқларда инвестицион лойиҳалар иқтисодиётдаги эркинлаштириш ва бозор ислоҳотлари жараёни тугалланмаган, яъни инвестиция билан боғлиқ таваккалчилик даражаси нисбатан юқори бўлган шароитда амалга оширилмоқда. Бу эса табиий ресурслар билан боғлиқ инвестициялар аксарият ҳолларда қайта ишлаш тармоқлардаги лойиҳалардан фарқ қилишидан далолат беради. Мисол тариқасида келтириш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиётида Россиянинг Лукойл ва Газпром, Малайзиянинг Петронас, Хитойнинг CNPC каби компаниялари томонидан нефт ва газ саноатида амалга оширилаётган инвестиция лойиҳалари асосан экспорт бозори эҳтиёжини кўзлаган ва даромаднинг асосий қисми эркин конвертацияланувчи валютага тўғри келади. Бу эса инвестиция ва валюта таваккалчилигини камайтириш учун муҳим аҳамиятга эга. Халқаро молия институтлари ва хорижий компаниялар билан тузилган шартнома ва битимлар асосида 2019 йилда “.... 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади”¹⁸ , ушбу инвестицияларнинг 4,2 млрд. доллардан зиёдини тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари ташкил этди.

Хорижий инвесторлар иштирокини кенгайтириш билан боғлиқ жараённи фаоллаштиришда солиқ имтиёзлари муҳим рағбатлантирувчи чоралардан бири деб қаралади. Ушбу омилнинг аҳамияти сўнгги йилларда турли мамлакатлар ўртасида хорижий инвестицияларни жалб этиш учун рақобат кураши қизиши оқибатида бир мунча кўтарилди. Бугунги кунда кўплаб мамлакатлар муваққат чора сифатида мамлакатда қулай инвестиция муҳитини юзага келтириш мақсадида хорижий инвесторлар учун алоҳида имтиёз ва рағбатлар тизимини жорий этмоқдалар.

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz.

Ўтиш даврининг дастлабки йилларида аксарият Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари хорижий инвесторлар учун кўплаб солиқ имтиёзлари тақдим этган бўлиб, одатда 2 йилдан 5 йилга қадар давом этган солиқлардан озод этилиш даври кенг тарқалган эди. Бироқ бу имтиёзлар қўлланишининг дастлабки даври турли мамлакатларда турлича белгиланар эди. Польшада бу таъриф остида корхона фаолиятининг бошланиши тушунилса, Россия ва Руминияда - дастлабки даромад олган йили, Чехияда эса корхона давлат рўйхатидан ўтган вақт ҳисоб боши саналган. Бунга қўшимча равища, баъзи мамлакатлар хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадига камайтирилган солиқ ставкаларини қўллаш каби имтиёзларни ҳам қўллаб, одатда бу кўрсаткич белгиланган ставканинг 15 фоизидан 20 фоизигача ташкил этарди.

Ўтиш шароитини бошидан кечираётган мамлакатлар солиқ тизимишининг ўзига хос жиҳатларидан бири солиқ имтиёзлари берища асосий эътибор солиқ солинадиган базага эмас, балки солиқ ставкаларига берилишида эди. Хусусан, кўпгина мамлакатларда солиқقا тортилмайдиган харажатлар тоифасига реклама харажатлари, хизмат сафари сарфлари, шунингдек қайтариб олишнинг имкони бўлмаган қарзларни киритиш имконияти кескин чекланган бўлса, бу нарса аксарият ривожланган мамлакатларда одатда рухсат этилади. Заарларни навбатдаги солиқ даврига кўчириш меъёри ҳам одатда анча чекланган бўлиб, асосий воситаларнинг жадал амортизациясини солиқ мақсадларида қўллаш кўп мамлакатларда рухсат этилмайди.

Инвесторларни жалб қилишда солиқлар орқали рағбатлантиришдан республикамиизда ҳам кенг фойдаланилади. Шу ўринда, республикамиизда турли имтиёзлар ёрдамида хорижий инвестицияларни саноатнинг устувор соҳалари ёки минтақаларга йўналтириш мақсадида хусусий хорижий инвесторлар учун берилган солиқ имтиёзларини келтириш лозим.¹⁹

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-3594 сонли фармони.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига кўзда тутилган рағбат ва имтиёзлар ёрдамида хорижий инвестицияларни ортиқча иш қучи бўлган вилоятларда жойлаштириш кўламига таъсир ўтказиш ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар фаолиятидан маҳаллий корхоналарга «билим кўчиши»нинг (жумладан, локализация механизми орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва хизмат кўрсатувчи корхоналарга янги технология ва кўникмаларни киритилиши) ижобий самарасини кучайтиришга эга бўлади.

Бозор институтларининг ривожланмаганлиги хорижий инвесторларнинг минтақадаги фаолияти учун жиддий масала ҳисобланади. Мазкур бозорларга кириб келаётган хорижий инвесторлар ўз ҳамкорлари ва бозор иштирокчилари хусусида ҳолисона ахборот ва маълумотлар танқислигига, шу билан бирга тартибга солиш жараёнининг чигаллигига дуч келадилар. Бизнесга ва уни юритишга кўмаклашиш чоралари бирдай муҳим ўрин тутади. Булар қаторига инвестицияга кўмаклашиш, инвестиция рағбатлари, инвестициядан кейинги хизматлар, мамлакатда бизнес билан шуғулланиш сарф-харажатларини қисқартиришга қаратилган чоратадбирларни такомиллаштиришни киритиш мумкин. Инвестициядан кейинги хизматлар шуниси билан ажralиб турадики, улар мавжуд инвесторлар томонидан қайта инвестициялашни рағбатлантириши мумкин, бу эса мамлакат учун янги инвесторларни жалб этиш борасида яхши реклама бўлиб хизмат қиласи.

Валюта муомаласи соҳасидаги сиёsat хорижий инвесторлар фаолияти учун муҳим аҳамиятга эга. Бунда маҳаллий валютанинг конвертациялануви ва валюта курси сиёsatига асосий эътибор берилади. Миллий валютани хорижий валютага айирбошлиш инвесторларга эҳтиёт қисмлар олиб келиш, дивидендларни олиб чиқиш, роялти ва бошқа тўловларни амалга ошириш учун зарур. Капитални олиб чиқиб кетиш устидан назорат мавжуд бўлган шароитда хорижий инвесторларга даромад олишнинг бошқа усусларини

таклиф этган холдагина самара бериши мүмкін. Бироқ аксарият ҳолларда бундай назорат ТМКларни рағбатлантирумайды, балки салбий таъсир этади. Бунинг устига, хорижий тадбиркорлар күп ҳолларда олинган даромадни олиб чиқиб кетиш устидан ўрнатилған назоратни чеклаб ўтишлари ҳам мүмкін.

Күпгина мамлакатларда хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар учун ишлаб чиқаришни жойлаштиришнинг локализация даражаси, умумий маҳсулот ҳажмидаги экспорт улуши, янги иш жойлари яратиш, маҳаллий кадрларни ишга олиш ва уларни ўқитиш, маҳаллий хом ашё материалларидан фойдаланиш каби талаблар күйилған эди. Мазкур сиёсатни самарали амалга ошириш учун жиддий тажрибага эга бўлиш керак, чунки бу каби талаблар хорижий инвестициялар оқимини қисқартириши мүмкін. Мазкур талабларни жорий этишда албатта мамлакатнинг рақобатбардошлигидан келиб чиқиш зарур. ТМКлар одатда вазият ўзгаришига сезгирилик билан жавобан ҳаракат қиласидар. Шуни инобатга олган ҳолда инвестициялар жалб этиш бўйича самарали давлат сиёсатини яратиш, айниқса муқобил имтиёзлар тизимини шакллантириш учун инвестициялар нуқтаи назаридан ТМКлар ҳатти-ҳаракатини аввалдан баҳолаб, кўра билиш зарур.

Мамлакатнинг катта ташқи қарзи мавжудлиги ҳам инвестиция нуқтаи назаридан салбий аҳамиятга эга. Бундай шароитда солиқларнинг оширилиши ҳамда ўсиб бораётган қарзни тўлаш мақсадида иқтисодий сиёсатни ўзгартириш эҳтимоли юқори бўлади. Масалан, катта ташқи қарзи бўлган мамлакатларда чет эл инвесторлари томонидан дивидендер ва даромадларни олиб чиқиб кетишга чекловлар белгиланиши эҳтимоли ташқи қарз даражаси паст бўлган мамлакатлардагига нисбатан бирмунча юқорироқ бўлади. Бундан ташқари, катта ташқи қарз каби муаммоси мавжуд мамлакатларда барқарор бўлмаган валюта курси ва ички нарх-наво муаммоси ҳам мавжуд. Бунга мисол сифатида 1980 йилларда ташқи қарз кризиси юз

берган Лотин Америкаси давлатлари ёки 1998 йил августидагы Россияда юзага келган молиявий инқизорни келтириб ўтиш мумкин.

Айрим иқтисодчиларнинг фикрига кўра, хорижий инвесторлар жалб этишга йўналтирган хусусийлаштириш сиёсати тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш ҳажмини сезиларли даражада ошириши мумкин.²⁰ Бизнинг фикримизча, хусусийлаштириш жараёнида инвестицияларни жалб қилиш мамлакатдаги бизнес юритиш ва инвестициялар учун яратилган муҳит билан ўзаро чамбарчас боғлик бўлиб, бозор ислоҳотларини амалга оширишда муайян ютуқларга эришилган иқтисодиётларда хусусийлаштириш сиёсати воситасида йирик чет эл инвесторларини жалб этиш имконияти бошқаларга нисбатан анча юқори бўлади. Бундай ҳолда миллий иқтисодиётга маблағ жойлаш билан боғлик бозор хатарлари даражаси паст деб ҳисобланади.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш бир қанча босқичларда амалга оширилиб, дастлаб кичик корхоналар, авваламбор хизмат кўрсатиш соҳаси объектлари хусусий мулкка айлантирилди. Умуман олганда хусусийлаштириш жараёнининг инвестиция жалб қилиш, асосан хорижий инвестициялари жалб қилиш потенциалидан тўлалигича фойдаланилмаяпти. Хусусийлаштириш дастурига қатор йирик корхоналар киритилган бўлиб, амалда уларни янги инвесторларга сотиш ишлари айрим ҳолларда охирига етказилмаган. Бундай корхоналар қаторида “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси (49% акциялари хорижий инвесторларга сотилиши мўлжалланган), “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компанияси (49% акциялари) ва бошқаларни келтириш мумкин.

Хорижий инвестицияларини жалб этишда хорижий инвесторларга нисбатан ҳукумат сиёсати катта ўрин тутади. Бу борадаги сиёсатнинг асосий вазифалари бир қанча бўлиб, улар жалб этилаётган инвестициялар ҳажмини

²⁰ Шаюсупова Л.Р. Привлечение иностранных инвестиций в развитие телекоммуникационной сферы Республики Узбекистан: Автореферат диссертации на соискание ученой степени канд. экон. наук. – Ташкент: 2001. – 26 с.

ошириш, инвестицияларнинг таркиби ва географик жойлашувига таъсир кўрсатиш, хорижий инвесторлар фаолиятини мамлакат иқтисодий сиёсати устувор вазифаларини таъминлаш, шу жумладан маҳаллий тармоқларни ривожлантириш, локализация даражасини ошириш кабиларни қамраб олади. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозимки, мустақиллик йилларида республикамизда хорижий инвесторлар фаолиятини рағбатлантирувчи муҳит яратиш борасида муҳим қадамлар қўйилди. Булар асосан бозорга кириб келиш, бизнесни юритиш, хорижий инвесторларнинг мол-мулкка эгалик қилиши ва бозорлар фаолияти қоидаларини эркинлаштиришга тегишлидир.

Эркинлаштириш сиёсати барча инвесторларга тегишли бўлиб, бозордаги барча иштирокчилар учун мақбул инвестиция муҳитини яратишга қаратилган. Шу билан бирга айрим ҳолларда маълум корхона ёки тармоқларга алоҳида имтиёзлар бериш амалиёти қўлланилиб, бундай чоралар инвесторларнинг даромад меъёрларини ошириш ёки ҳаражатлари ва таваккалчилик даражасини пасайтиришга қаратилгандир. Бу каби рағбатлар солиқ-бюджет имтиёзларини (масалан, корхоналар учун солиқ имтиёзлари, солиқдан муайян муддатга озод қилиш, импорт божларидан озод этиш), молиявий имтиёзлар (масалан, давлат кафолати билан кредитлар жалб қилиш, давлатнинг устав капиталидаги иштироки) ёки рақобатдан турлича ҳимоя воситаларини қамраб олади. Бундай чоралардан халқаро амалиётда ҳам кенг қўлланилиб келмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ўтиш жараёнини бошидан кечираётган мамлакатларда умумий эркинлаштириш сиёсати хорижий инвестицияларни жалб этишда муҳим ўрин тутади.

Ўтказилган таҳлил натижасида ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилишдаги жозибадорлигини белгилаб берадиган омилларни беш тоифага таснифлашни таклиф этамиз:

1. Бозор омиллари (ички ва экспорт бозори имкониятлари);
2. Бой табиий ресурслар мавжудлиги;
3. Ишлаб чиқариш ҳаражатлари омиллари;

4. Инвестиция мұхити ҳолати;
5. Мамлакат иқтисодий ривожланиш стратегияси.

Мамлакатнинг инвестиция жойлаш нүктай назаридан рақобатбардошлилигини белгилайдиган бозор омиллари ўз ичига маҳалий ва экспорт бозори ҳажми, бозорнинг келажақда ривожланиш истиқболлари ва ишчи кучи каби омиллар қамраб олади. Кенг ҳажмли бозор ва иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари хорижий инвесторга ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва келажақда истиқболли бизнес режалар тузишга имкон беради ва бу хорижий инвесторларни жалб этмай қолмайди, албатта.


Чет эл инвестицияларини жалб этишда бой табиий ресурслар мұхим аҳамият касб этишини таъкидлаш лозим. Катта табиий бойликларга эга бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун «ўтиш» жиҳатлари нисбатан камроқ аҳамиятга эга. Ушбу тармоқларда инвестицион лойиҳалар иқтисодиётдаги эркинлаштириш ва бозор ислоҳотлари жараёни тугалланмаган, яъни инвестиция билан боғлиқ таваккалчилик даражаси нисбатан юқори бўлган шароитда амалга оширилмоқда. Бу эса табиий ресурслар билан боғлиқ инвестициялар аксарият ҳолларда қайта ишлаш тармоқлардаги лойиҳалардан фарқ қилишидан далолат беради.

Мамлакатлар ўртасида ишлаб чиқариш ҳаражатларининг ўртасида кескин фарқ қилиши инвестиция жараёнига албатта таъсир кўрсатади. Бундай фарқ айниқса меҳнатталаб, экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган ва йиғув саноат тармоқларида кўп учраб, бу соҳаларга инвестицияларни жалб этувчи сабаблардан бири бўлиб хизмат қиласди. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, бу борада мамлакатнинг чет эл инвестицияларини жалб қилиш учун жозибадорлигини белгилаб берадиган асосий омиллар бўлиб реал иш ҳақи, валюта курси, кўчмас мулк нархи, ёқилғи ва транспорт ҳаражатлари ҳамда солиқ юки даражаси ҳисобланади. Мақбул инвестиция мұхитини барпо этиш ҳам инвестицияларни жалб этиш йўлларидан бири бўлиб, ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун ушбу

мухитни кўп ҳолларда бозор ислоҳотларини амалга оширишдаги ютуқлар белгилаб, улар қай даражада иқтисодиёт амал қилишини кўрсатиб, ўз навбатида хорижий инвесторларнинг мазкур мамлакатда ишлашга ишончини акс эттиради. Бозор ислоҳотларини амалга оширишдаги илгарилаш хорижий инвесторларнинг хусусан, ишлаб чиқариш ҳаражатлари юзасидан бир хил кўрсаткичга эга икки мамлакатдан қай бирини танлашини аниқлашда муҳим ўрин тутади. Масалан, бўлгуси тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимлари кенг кўламда тежамкорликка эришиши орқали инвестицияларнинг самарадорлиги ва рақобатбардошлигига таъсир ўтказадиган ташқи савдо учун иқтисодиётнинг очиқлик даражасига (ташқи савдо режими эркинлаштирилганлиги ва миллий валютанинг конвертацияланганлиги) боғлиқ бўлиши мумкин. Шуларни инобатга олган ҳолда айтиш ўринлики, бозор ислоҳотларини жадаллаштириш ва мақбул инвестиция муҳитини яратиш ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари учун хорижий инвестицияларни жалб этиш борасида жуда катта аҳамиятга эга. Мамлакат иқтисодий тараққиётининг стратегияси хорижий инвестициялар жалб этишда алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур омил жалб этилаётган хорижий инвестициялар турини белгилашда айниқса ҳал қилувчи ўрин тутади. Хусусан, маҳалий ишлаб чиқаришни рағбатлантиришга қаратилган импорт ўрнига маҳсулот чиқаришни рағбатлантиришга йўналтирилган давлат сиёсати ички бозорга хизмат кўрсатиш мақсадидаги инвестицияларни жалб этиши мумкин. Аксинча, мамлакатни ҳалқаро бозорлар тизимиға киритиш ва экспорт имкониятларини ривожлантириш иқтисодиётнинг экспорт тармоқларига хорижий инвестициялар жалб этади.

Хорижий инвестицияларга нисбатан самарали давлат сиёсатини ишлаб чиқиши йирик компанияларнинг инвестицион қарорлар қабул қилишдаги асосларини таҳлил этилишини талаб қиласди. тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга оширишда инвесторлар қарори мамлакатнинг географик жойлашуви ва унинг иқтисодий сиёсатига боғлиқ бўлади.

Авваллари хорижий инвесторлар давлат назоратини четлаб ўтиш, экспорт квоталари олиш, етишмаётган ресурсларни сотиб олиш каби ўзига хос омилларни ҳисобга олар эдилар. Сүнгти йилларда чет элда инвестициялаш билан шуғулланиб келаётган компаниялар ўз вазифалари кўламини бир мунча кенгайтирдилар ва инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш эндиликда кўпроқ корпоратив стратегияга боғлиқ бўлиб қолди. Умуман олганда, инвестициялаш мақсадига кўра тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни беш хил турга гурухлаш мумкин: 1. Ички бозорни эгаллаш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган инвестициялар; 2. Экспортга йўналтирилган инвестициялар; 3. Ресурс (табиий бойликлар) кўзлаган инвестициялар; 4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда 5. Технологияларни яхшилаш мақсадини кўзлаган инвестициялар.



1.2.-расм. Тўғридан - тўғри инвестициялар мақсади

1. Ички бозорни эгаллаш ва унга хизмат кўрсатишга мўлжалланган инвестициялар. Улар савдодаги мавжуд ёки юзага келиши мумкин бўлган тўсиқларни енгиб ўтиш, ё бўлмаса шу мамлакатда компания мавжудлигини тасдиқлаш мақсадида амалга оширилади. «Бозор излаш»дан манфаатдор компаниялар, одатда, мезбон-мамлакатга инвестициялар қўшишда янги бозорларга кириб бориш, унинг муайян қисмини эгаллаб олиш ва ўзининг танлаш имкониятларини кенгайтириш нуқтай назаридан келиб чиқадилар. Бозорлари тўлиб-тошган ривожланган мамлакатлар компаниялари кўп ҳолларда инвестицияларни айнан шундай мақсад йўлида жойлашлари

кузатилади. Бундай компаниялар учун бозор ҳажми (қўп ҳолларда ЯИМнинг қиймати мўлжал тариқасида ишлатилади) ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад миқдори жиддий аҳамият касб этади.

2. Экспортга маҳсулот ишлаб чиқаришни кўзлаган инвестициялар ўз мамлакатида ишлаб чиқариш ва экспорт ҳаражатлари ортиб бораётган бир вақтда ташқи бозорларга хизмат кўрсатиш учун янги жойлашувни излаб амалга оширилади. Бундай инвестицияларни жалб этиш учун мамлакатлар арzon, лекин шу билан бирга малакали ишчи кучига эга бўлишлари лозим. Шунингдек, хорижий инвесторлар учун макроиктисодий ва сиёсий барқарорлик, хорижий инвестицияларни хуқукий тартибга солишининг аниқ тизими, кенг кўламли солиқ имтиёзлари мавжудлиги каби омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бундай инвестиция турига мисол тариқасида нисбатан арzon ва малакали ишчи кучига эга бўлган, географик жиҳатдан кўлай жойлашган Марказий ва Шарқий Европа мамлакатларини (Фарбий Европа бозорларига яқин жойлашганлиги ва Европа иттифоқига аъзо бўлиш истиқболи туфайли) ҳамда Хитойни (рақобатбардош иш ҳақи даражаси, инвестицион муҳит ва ҳаражатлар пастлиги туфайли) келтириш мумкин.

3. Ресурс излашга ихтисослашган инвестициялар табиий ресурсларни бош омил деб қарайдилар. «Ресурс ёки восита» излашдан манфаатдор фирмаларни биринчи навбатда мамлакатда ресурслар мавжудлиги қизиқтиради. Бундай ресурслар ҳисобига хом ашё, арzon ва малакали ишчи кучи, моддий инфратузилма ёки корхоналар, алоҳида технология воситалари кириши мумкин. Хом ашё ресурслари ўз таркибиغا баъзи мамлакатларда мўл бўлиб, баъзиларида эса деярли бўлмаган нефт, газ, минерал қазилмаларни олади. Ўзбекистонда Газпром, Лукойл ва қатор бошқа хорижий компанияларнинг инвестицияларини айнан шу гуруҳга киритиш мумкин. Яхши инфратузилмаси (автомобил ва темир йўллари, денгиз йилларидан фойдаланиш имконияти, телекоммуникациялар ва хакозо) бўлган мамлакатлар инвестор жалб қилиш учун қўшимча имкониятга эгадирлар.

4. Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадидаги инвестициялар вертикал ва горизонтал бирлашув йўли билан дастлаб минтақавий, сўнгра халқаро миқёсда кўламлилик туфайли тежамкорлик самарасига эришиш учун йўлланади. Инвестицияларнинг мазкур тури даромадни ошириш учун ишлаб чиқариш ҳаражатларини қисқартириш орқали турли мамлакатлардаги ўз ишлаб чиқаришларининг қиёсий устунлигидан самаралироқ фойдаланиш мақсадида амалга оширилади. Мазкур гурух инвестициялари одатда корпоратив стратегияга асосланади. «Янада юқори самарадорлик излаган» компаниялар ишлаб чиқариш воситаларининг нисбатан арzonлигидан тўғридан-тўғри манфаатдор бўлиб, уларни биринчи навбатда самарадорликни ошириш, транспорт, алоқа ва бошқа ишлаб чиқариш ва бошқарув ҳаражатларини (маркетинг, реклама, маҳсулотни реализация қилиш каби ҳаражатлар ҳам киради) камайтириш имкониятини берадиган шарт-шароитлар қизиқтиради.

5. Технологияларни яхшилаш мақсадини кўзлаган инвестициялар юксак технологияли ишлаб чиқаришлар, айниқса электроника, биотехнология ва баъзи бошқа, саноатнинг нисбатан янги тармоқларида, шунингдек хизмат кўрсатиш ва фойдали қазилмаларни излаб топиш соҳаларида жамланган.

Амалда компаниялар бир вақтнинг ўзида бозор излаш, экспорт бозорига йўл топиш, самарадорликни ошириш ва ресурслар қидириб топиш каби турли-туман омиллар мажмуидан келиб чиқсан ҳолда инвестицион қарорлар қабул қиласидилар. Бизнинг фикримизча, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларига тўғридан-тўғри инвестициялар жойлашда йирик хорижий компаниялар кўпроқ ички ва экспорт бозори потенциали ҳамда мавжуд ресурсларга эришиш имкониятига муҳим аҳамият беришмоқда.

1.3. Миллий иқтисодиётнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш омиллари

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг устувор тармоқларини ривожлантириш учун хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсати – мавжуд маблағлардан, вақт ва имкониятлардан тўғри фойдаланиш, яратилган шарт-шароитлардан келиб чиққан ҳолда бойликларни самарали тасарруф этиш ва шу йўл билан мамлакат иқтисодиётини юксалтириш, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашувини рағбатлантириш йўли билан инвестицияларни фаол жалб қилишга ва улардан оқилона фойдаланишга қаратилган.

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёти аҳоли даромадларининг ошиши, турмуш шароитининг яхшиланиши, асосан миллий иқтисодиётнинг турли соҳа ва тар-моқларига жалб этилаётган инвестиция маблағларининг ҳажми ва таркиби боғлик. Шундай экан, ҳар бир давлат ўз худудида инвестиция маблағларини жалб этишининг жозибадор муҳитини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиши муқаррар.

Яқин келажакда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётини ривожла-наётган давлатларнинг иқтисодий жиҳатдан юқори ривожланиш даражасига етказиб олишни мақсад қилган Ўзбекистоннинг инвестицион жозибадорлигини тадқиқ этиш, инвестиция маблағларининг ички капитал ресурслар ҳамда хорижий инвестиция ва кредитлар асосида кўпайишига эришиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Кундалик ҳаётимизда инвестиция, инвестор, инвестицион фаоллик тушунчалари кўп учрайди. Келинг, аввало, инвестицион фаолиятнинг энг муҳим элементи бўлган «инвестиция» тушунчасининг моҳияти ва мазмунини аниқлаб олайлик. «Инвестиция» инглизча «*investments*» сўзидан олинган бўлиб, «капитал қўйилма» деган маънони билдиради.

Кенг маънода инвестиция (сармоя) – даромад ёки фойда олиш мақсадида маблағни муайян муддатга тадбиркорлик ва бошқа фаолият турлари (объектлари)га йўналти-ришни англатади. Шуни айтиш лозимки, дунё ҳамжамиятининг ҳозирги тараққиёт босқичида бирор мамлакат инвестицияларсиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишга эриша олмайди.

Инвестиция ресурсларини ўз вақтида миллий иқтисодиётига жалб қила олмаган, пул маблағлари танқислигини бошидан кечираётган давлатлар, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан орқада қолиб кетиши ҳеч гап эмас. Бундай ҳолатда муаммонинг энг яхши ечимларидан бири – молиявий маблағлари ортиқча бўлган ривожланган мамлакатлар-даги капитал ресурсларни, ривожланаётган давлатлар иқтисодиётига жалб этишdir.

Инвестициялар ёрдамида қуийдаги вазифаларни ҳал этиши мумкин.

Биринчидан, инвестиция ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуриш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради.

Иккинчидан, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади.

Учинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади. Натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди.

Тўртинчидан, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади.

Бешинчидан, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви амалга ошади.

Демак, инвестициялар, хоҳ у макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар миқёсида) даражада бўлсин, иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил экан. Шу ўринда миллий ишлаб чиқарувчи субъектлар уларни жалб этиш учун нима қилишлари лозим, деган савол туғилади.

Миллий ишлаб чиқарувчи субъектлар иқтисодий фаолиятига инвестицияларни жалб этиш учун корхоналар миқёсида қўйидаги ишларни бажаришлари керак.

Биринчидан, улар пухта ишлаб чиқилган ва истиқболли бизнес-режага эга бўлишлари лозим. Инвесторлар ҳамма вақт уларнинг қўйилмалари келажакда фойда келти-ришини билишга интиладилар.

Иккинчидан, инвесторлар фақат ўзларининг ишончини қозонган корхоналарнинг лойиҳаларини молиялаштирадилар. Шунинг учун, миллий корхоналарнинг молия-хўжалик фаолияти бўйича иқтисодий рейтинги юқори бўлиши зарур.

Учинчидан, корхоналар шаффоф фаолият юритишлари талаб этилади. Бунинг учун бухгалтерия ҳисоби ҳужжатлари уларга қўйилган талаб даражасига жавоб бериши ло-зим ва корхонанинг молия-хўжалик фаолияти ҳужжатлари бўйича якуний натижалари оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши керак.

Инвесторларнинг миллий иқтисодиётга маблағ киритиши кўп жиҳатдан нафақат корхоналар рейтинги ёки хўжалик фаолияти натижаларига, балки мамлакатнинг геосиёсий жойлашуви ва давлат томонидан юритилаётган ички сиёсатга ҳам боғлиқ. Инвесторлар маблағ йўналтириш учун энг барқарор мамлакатларни танлайдилар.

Шунинг учун дунёning барча мамлакатлари имкон қадар инвестицион рискни камайтиришга оид ишларни бажаришга ҳаракат қиласидилар. Мамлакатимизда ҳам миллий иқтисодиётда инвестиция муҳитининг жозибадорлигини ошириш учун бир қанча ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиши учун қуидаги шарт-шароитлар мавжуд:

- сиёсий барқарорлик;
- хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шакллангани;
- инвестиция жараёнини қўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилгани;
- мамлакатнинг қулай географик жойлашуви;
- агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва мамлакатнинг минерал-хомашё ресурсларига бойлиги;
- юқори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги;
- савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада кенглиги.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсди. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди. Мамлакатимиз илк бор ҳалқаро кредит рейтингини олди ва жаҳон молия бозорида 1 миллиард долларлик облигацияларини муваффақиятли жойлаштирди. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти томонидан Ўзбекистоннинг кредитга доир таваккалчилик рейтинги охирги 10 йилда биринчи марта яхшиланди²¹.

Жаҳонда хорижий капитални жалб этиш бўйича мамлакатлар ўртасида кескин кураш кетмоқда. Хорижий инвестициялар ҳажми, унинг сифати ва қулай шартларидан фойдаланиш борасида ривожланган мамлакатларда йилдан йилга инвестицион муҳит жозибадорлигини таъминлашга хизмат қиласидиган инновацион инструментларнинг турли кўринишлари юзага келмоқда. Масалан, Xитой давлат томонидан инвестициялар соҳасида амалга

²¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01. 2020й.
www.xs.uz

оширилган ис-лоҳотлар, қабул қилинган тизими чора-тадбирлар, ишлаб чиқилган дастурлар ва лойи-ҳалар туфайли халқаро бозорларни забт этишга муваффақ бўлди. Мазкур давлат 1970 йилдаёқ фаол инвестиция сиёсатини юритишни энг муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб олган эди.

Мамлакат ривожланишининг истиқболли йўналишлари сифатида енгил саноат ва электроника соҳалари танлади. Уларнинг тўлақонли ривожланиши, ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва зарур ресурсларни харид қилиш учун давлат томонидан субси-диялар тизими ва «экспорт учун тармоқ» дастури ишлаб чиқилди. Агар компанияларнинг 25 фоизи хорижий инвесторларга тегишли ҳамда «тармоқ»ка аъзо бўлса, Хитой Марказий банки томонидан маҳсус имтиёзли кредитлар берилиши йўлга қўйилди. Бугунги кунда мамлакат экспортининг 80 фоизи мазкур «тармоқ»ка аъзо компаниялар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Хорижий инвесторлар учун берилган имтиёзлар ва молиявий-иктисодий рағбатлантириш тизими инвестициявий жозибадорликнинг муҳим омили ҳисобланади. Булар эса хорижий инвестицияларнинг тўғридан-тўғри ишлаб чиқариш соҳасига, хусусан, экспорт салоҳияти юқори бўлган саноат тармоғига йўналтирилишини таъминлайди.

Шу билан бирга, хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилининг муҳим йўналишларидан бири – маҳсус иқтисодий зоналарни шакллантириш ҳисобланади. Мамлакатимизда Навоий, Жиззах, Ангрен, Фиждувон, Кўқон, Ургут, Ҳазорасп эркин иқтисодий зоналари ташкил этилиб, улар бугунги кунда ўз фаолиятини самарали олиб бормоқда.

XXI асрнинг биринчи ўн йилликдан кейинги иқтисодий ривожланиш даврида мамлакатимиз иқтисодиётига йўналтирилган капитал маблағлар ҳажми ва унинг таркибидаги ўзгаришларга эътиборимизни қаратсак, унда инвестициялар ҳажмининг кескин ортганини ва таркиби сифат жиҳатидан яхшиланганини қўришимиз мумкин.

Асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 2010 йилда 4340,8 миллиард сўм бўлиб, хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий инвестициялар ҳажмидаги улуши 28,3 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 3778,4 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кре-дитларнинг хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 87,0 фоизини ташкил этган эди.

2018 йил январь-сентябрь маълумотлари бўйича асосий капиталга киритилган хорижий инвестициялар ва кредитлар ҳажми 17770,6 миллиард сўм бўлиб, хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий инвестиациялар ҳажмидаги улуши 25,0 фоизини, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитлар 7336,6 миллиард сўмни, тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ва кредитларнинг хорижий инвестиция ва кредитларнинг умумий ҳажмидаги улуши 41,3 фоизини ташкил этган эди.

Юқоридаги таҳлилдан кўриниб турибдики, чет эл инвесторларига яратилган шарт-шароитлар, хусусан, ўз вақтида меъёрий-хуқуқий базанинг шакллантирилгани сабабли 2010 йилга нисбатан 2019 йилнинг январь-сентябрь ойлари оралиғида хорижий инвестициялар миқдори салкам 2,5 марта ошди.

Айтиш жоизки, чет эл капитал қўйилмалари ичida тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдорининг кўп бўлиши ижобий ҳолат ҳисобланади. Чунки, мамлакат иқтисодиётiga инвесторлар давлат кафолатисиз капитал маблағларини йўналтиришлари уларнинг миллий иқтисодиётда фаолият юритиш натижасида келиб чиқиши мумкин бўлган барча рискларни (таваккалчиликларни) ўз зиммаларига олганликларидан далолат беради.

Шу ўринда, таъкидлаш жоизки, мамлакатимизнинг ички иқтисодиётida шаклланган жамғарма маблағларининг миқдори ялпи ички маҳсулот ҳажми ва истеъмол даражасига боғлиқдир. Хорижий мамлакатлар, хусусан, янги индустрисал давлатлар, Гонконг, Синга-пур, Жанубий Корея, Тайван

амалиёти шуни кўрсатмоқдаки , иқтисодий ўсиш даражаси 10 фоиздан юқори кўрсаткич қайд қилинган даврда мамлакат иқтисодиётiga киритилган инвестициялар салмоғи ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)га нисбатан 35–40 фоизни ташкил этган бўлиб, уларнинг катта қисми ички инвестициялар ҳисобига тўғри келган.

Бир сўз билан айтганда, мазкур даврда оддий фуқаролардан тортиб, то миллий иқтисодий субъекларнинг барчаси «белни маҳкам боғлаб» иш тутишни лозим топган, яъни, истеъмол қилиш ҳажмини камайтириб, жамғармалар салмоғини оширишга ўз ҳиссаларини қўшишган.

2019 йил январь-июнь ойларида асосий капиталга киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми миллий валютада 1 229,4 миллиард сўмни ёки 2018 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 130,5 фоизини ташкил қилди.

Аммо мамлакатимиз ижтимоий-иктисодий ривожланиш борасида стратегик мақсадларни белгилаб олган экан, уларни амалга ошириш учун миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини ошириш зарур бўлади.

Буни, *биринчидан*, ички инвестициялар ҳажмини кўпайтириш, иккинчидан, ташқи инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб этиш негизида амалга ошириш мумкин.

Юқорида қайд этилганидек, ички иқтисодиётда шаклланган жамғарма маблағларининг миқдори ЯИМ ва истеъмол ҳажми билан чекланган.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини ички инвестициялар асосида кўпайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим:

- жамғармаларни инвестицияга айлантириш билан боғлиқ мавжуд механизмни такомиллаштириш;
- тижорат банклари томонидан аҳоли қўлида мавжуд пул ресурсларини, хоҳ у миллий, хоҳ хорижий валютада бўлсин, жалб қилиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари сифатида бериш;

– ахоли қўлида йигилган пул маблағларини «Тошкент» фонд биржаси орқали инвестиция жараёнига жалб қилиш ва ҳоказо.

Кўриниб турибдики, ички инвестиция маблағларини миллий иқтисодиётга янада жадал жалб қилиш, мамлакатимизда мавжуд капитал ресурсларни иқтисодиёт тармоқларига йўналтириш механизмини такомиллаштириш билан боғлиқ босқични босиб ўтишни тақозо этади.

Миллий иқтисодиётга инвестициялар киритиш ҳажмини оширишда ички инвестицияларга муқобил омил – бу фақат хорижий инвестициялар ва кредит маблағлари хисобланади.

Шундай экан, бугунги кунда хорижий инвестицияларни миллий иқтисодиётга жалб қилиш билан боғлиқ мавжуд барча ресурс ва захираларни ўрганиш ва қайтадан кўриб чиқиш, чет эл капиталини миллий корхоналарга йўналтириш механизмини такомиллаштириш борасида иш олиб бориши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишини рафбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, хусусийлаштириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва реконструкция қилиш, республиканинг ортиқча ишчи кучи мавжуд бўлган минтақаларида янги иш жойларини яратиш, хорижий инвесторлар учун ишончли ҳукуқий ҳимоя ва кафолатларни таъминлашга қаратилган.

Унга кўра, тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари корхоналари асосий фаолияти бўйича даромад солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан хорижий инвестициялар ҳажми қуйидагича бўлганда озод қилинади:

- 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ доллариғача – 3 йил муддатга;
- 3 миллиондан ортиқ АҚШ долларидан 10 миллион АҚШ доллариғача – 5 йил муддатга;
- 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда – 7 йил муддатга.

Мамлакатимизда банк-молия тизимини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхши-лашга, шунингдек, тижорат банкларининг иқтисодиётни ҳаракатлантирувчи кучи сифатида намоён бўлишига ҳамда уларнинг йирик инвестиция институтларига айланишига алоҳида эътибор берилмоқда. Чунки мамлакатимизнинг молиявий-иктисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан банк-молия тизимининг самарали фаолиятига боғлиқdir.

Ўзбекистон банк тизимида олиб борилаётган изчил ва мақсадли ислоҳотлар унинг нафақат жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланишига, балки банклар фаолиятида муҳим ва сифат ўзгаришларига эришиш, иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш ҳажмини кенгайтириш ҳамда банк ва молия хизматларини кўрсатиш даражасини тубдан яхшилаш имконини берди.

Мамлакатимиз банк тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, унинг жаҳон молия бозоридаги нуфузи ортиб бориши, шунингдек, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, қатор нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Шуни таъкидлаш жоизки, республикамида йирик банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш кўпгина хориж мамлакатлари амалиёти бўйича асосан банкларнинг ликвидлик кўрсаткичини сақлаб туришга эмас, балки уларнинг инвестициявий фаоллигини кучайтиришга, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини кенгайтиришга қаратилди.

Хозирги даврда изчиллик билан амалга оширилаётган чоралар жаҳон молиявий инқирози даврида ҳам мамлакатимиз банк-молия тизимининг янада барқарор бўлишига, банкларнинг инвестицион фаолиятини кучайтиришга ва шунинг ҳисобидан изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини янада оширишга мустаҳкам замин яратади. Мамлакатимизни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги ютуқлар Ўзбекистон танлаган ривожланиш модели тўғрилигини, республика иқтисодиёти барқарорлиги ва унинг банк-молия тизими ишончлилигини яна бир бор тасдиқлади.

2-боб. САНОАТ ТАРМОҚЛАРИНИ ЙОҚОРИ ТЕХНО ЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШДА ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ОШИРИШ ОМИЛЛАРИ ВА ЙЎЛЛАРИ

2.1. Халқаро капитал миграцияси ва унинг гурухланиши

“2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитлар бўлишини алоҳида қайд этмоқчиман. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда. Шунингдек, фойда солигини ҳисоблашда, янги технологик ускуналар харид қилиш, янги обьектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди”²².

Халқаро капитал миграциясининг шакллари мавжуд бўлиб, амалиётда улар қатор мезонлар бўйича таснифланади. Халқаро амалиётда давлат капитали кўпроқ ссуда шаклида, хусусий ва узоқ муддатли капитал эсададибиркорлик шаклида фаолият кўрсатади. Келиб чиқиш манбаларига кўрабу давлат маблағлари ёки хусусий капитал кўринишида бўлади. Давлат капитали банклар ичида расмий капитал деб ҳам аталади. У давлат бюджетидан хорижга чиқариладиган ёки у ердан ё бевосита ҳукуматлар қарори билан, ёки ҳукуматлараро ташкилотлар қарори билан қабул қилинадиган маблағлардир. Шаклларига кўра-бу давлат қарзлари, ссудалар, грантлар (совғалар), ёрдам кўринишида бўлиб, уларнинг халқаро ҳаракати ҳукуматлараро шартномалар билан белгиланади. Халқаро ташкилотларнинг кредитлари ва бошқа маблағлар ҳам шулар қаторига киради. Бироқ ҳар қандай ҳолларда ҳам бу солик тўловчиларнинг олувчига турли йўллар билан етиб борадиган пуллари ҳисобланади.

²² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01. 2020й.
www.xs.uz

Хусусий капитал-бу хусусий шахслар томонидан хорижга жойлаштириладиган ёки хориждан қабул қилинадиган нодавлат манбалар маблағларидан иборат. Улар таркибига инвестициялар, савдо кредитлари, банкларо кредитлаш киради. Улар давлат бюджета билан бевосита боғлиқ бўлмайди, бироқ ҳукумат уларнинг кўчиб юришини кузатиб туради ва ўз ваколатлари доирасида уларни назорат қилиб, бошқариши мумкин.

Халқаро капитал миграциясининг асосий шакллари тадбиркорлик ва ссуда капитали қўринишида бўлади(2.1.-жадвал).

Капиталнинг тадбиркорлик шаклидаги миграцияси учун қўйидаги учта мажбурий белгилар хос бўлади:

1. хорижда ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ёки унда иштирок этиш;
2. хорижий капитал қўйилмаларининг узоқ муддатлилиги;
3. хорижий корхонага ёки унинг бир қисмига мулкчилик ҳукуқига эга бўлиш.

2.1.-жадвал. Халқаро капитал миграциясининг шакллари

Тасниф мезони	Шакллари
Келиб чиқиш манбаларига кўра	-Давлат -Хусусий -Халқаро -Аралаш
Четга чиқариш шакли бўйича	-Пул -Товар
Фойдаланиш хусусиятига кўра	-Тадбиркорлик -Суда
Мақсадига кўра	-Тўғридан-тўғри -Портфель -Халқаро қарзлар -Банк депозитлари
Субъектлар бўйича	-Макродаражা -Микродаража
Муддатига кўра	-Ўта қисқа муддатли (3 ойгача) -Қисқа муддатли (1 йилгача) -Ўрта муддатли (1 йилдан 5-7 йилгача) -Узоқ муддатли (5-7 йилдан 40-45 йилгача)
Оқимлар йўналишлари бўйича	-Товарлар ва хизматлар олди-сотдисига валюта-кредит ва ҳисоб-китоб хизматларини кўрсатиш -Асосий ва айланма капиталга хорижий инвестициялар -Қимматли қофзлар ва турли молиявий инструментлар билан операциялар -Валюта операциялари -ЯИМ бир қисмининг ривожланаётган мамлакатларга ёрдам ва

	давлатларнинг халқаро ташкилотларга бадаллари шаклида бюджет орқали қайта тақсимланиши
--	--

Юқорида қайд этиб ўтилган хусусиятлар ва иштирок этиш мақсадларининг қанчалик амалга ошишига боғлиқ ҳолда, тадбиркорлик капиталини четга чиқаришнинг икки тури ажратилади: тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар (ПИ).

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар-бу хорижий капиталнинг узок муддатли киритилиши бўлиб, инвестор ташкил қилаётган фирма акциялари ёки акционер капиталига тўла эга бўлиш ёки камида 10 фоизи хўжалик фаолиятининг таъсирчан назорат қилинишини таъминлайди.

ХВФ, ИХ'ГТ (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти) ҳамда БМТ миллий счёtlари тизимидағи таърифларга мувофиқ, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

таркибиға қўйидагилар киритилади:

- компанияларнинг ўз капиталини хорижга чиқариши;
- тўғридан-тўғри инвестор хорижий корхонадан олган фойдасини унинг фойдасига қайта молиялаштириши;
- капиталнинг бош фирма ва унинг хорижий корхоналари ўртасида ички корпоратив ўтказмалари.

Иқтисодий адабиётда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тор ва кенг маънодаги таърифлари ажратилади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг тор маънодаги таърифи ИХ'ГТ томонидан берилган бўлиб, бу йўналишнинг базавий методологияси капитал ҳаракатини эркинлаттириш Кодексида баён этилган: мустаҳкам иқтисодий муносабатларни ўрнатиш ҳамда корхона **устидан** назорат ҳуқуқини қўлга киритиш мақсадида капитал ва ресурсларнинг трансчегаравий ҳаракати қамраб олинади. Бундай ёндашув асосида инвестор сифатида мазкур

мамлакатнинг порсизидентлари ва хорижлик резидентлар майдонга чиқишилари мумкин. Ҳар иккала тоифалар учун тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳосил бўлишининг қуидагича йўналишлари кўрсатилади:

- 100 фоизлик хорижий мулкчиликка асосланган корхона, шуъба компанияси ёки бўлинмасини ташкил этиш ёки кенгайтириш;
- мавжуд корхонани тўлиқ мулкчиликка сотиб олиш;
- янги ёки ҳаракатдаги корхонада иштирок этиш;
- 5 йил ва ундан кўп муддатга қарз бериш.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг кенг таърифи Жаҳон банки томонидан берилган ва «МИГА» (Кўп томонлама инвестицияларни кафолатлаш агентлиги)ни таъсис этиш ҳақидаги шартномада илк бор тилга олинган; у шунингдек, икки тарафлама кафолатлаш шартномалари учун ҳам хосдир. Бундай ёндашувда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларга капитал (ёки ресурслар)нинг ҳаракатланиши шаклларигина эмас, балки активларнинг бошқа турлари ҳам киритилади: ҳар хил турдаги мулк ва мулкий ҳуқуқлар, ноакциядор турдаги инвестициялар (суббитимлар, бошқарув шартномалари, франчайзинг, лицензион битимлар, маҳсулот тақсимоти ва ҳ.к.лар ҳам шулар жумласидан) ҳам киради.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялаш шакллари ва усулларига тегишли турлича талқинларнинг берилиши жиддий муаммоларни келтириб чиқарди (масалан, НАФТА ва АСЕАН таърифлари шулар жумласидандир) ва амалий муаммоларни ҳал қилишда қатор вариантлар-опцияларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу ҳалқаро инвестициялаш масалалари бўйича музоқаралардаги, иқтисодий дипломатиядаги мунозарали муаммолардан биридир.

Портфель инвестициялар-бу капитални хорижий корхоналар қимматли қоғозларига (корхона устав капиталининг 10% дан кам қисмини) киритиш шаклида олиб чиқиб кетиш бўлиб, инвесторларга улар фаолиятини бевосита назорат қилиш имконини бермайди.

Жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши жараёнида портфель инвестициялар улушининг ортиши табиий ҳолдир. Бу иккита ҳолат билан изоҳланади:

- жаҳонда молия бозорларининг жадал ривожланиши;
- портфель инвестицияларнинг юқори ликвидлилиги билан боғлиқ афзаликлар.

Портфель инвестициялар анча юқори ликвидлиликка эга бўлиб, ҳаракатчан ҳисобланади. Уларни рискли зонадан бойлик ортириш енгилроқ бўлган муҳитга кўчириш қийин эмас. Портфель инвестициялар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва профессионал билимларни ошириш учун катта меҳнат талаб этмайди(**2.2.-жадвал.**).

Капитални олиб чиқишининг тадбиркорлик шакли ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқадорлиги туфайли қўпинча “Иккинчи иқтисодиёт” деб аталади.

2.2.-жадвал. Тўғридан-тўғри ва портфель инвестициялар ўртасидаги ўзига хос фарқлар

Белгилар	Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	Портфель инвестициялар
Олиб чиқишининг асосий мақсади	Хорижий фирмани назорат қилиш	Юқори фойда олиш
Мақсадга эришиш йўллари	Хорижда ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва юритиш	Хорижий қимматли қоғозларни сотиб олиш
Мақсадга эришиш усуллари	a) хорижий фирмага тўлиқ эгалик қилиш; б) акциялар назорат пакетини сотиб олиш (ХВФ уставига кўра компания акциядорлик капиталининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак)	Хорижий фирма акциядорлик капиталининг камидаги 25 фоизини сотиб олиш (АҚШ, Япония ва Германияда-10%)
Даромад шакллари	Тадбиркорлик фойдаси, дивиденdlар	Дивиденdlар, фоизлар

Бошқа шакл-ссуда капиталининг ҳаракати миллий ишлаб чиқариш жараёнларига бевосита алоқага эга бўлмасдан, қабул қилувчи мамлакатдаги такрор ишлаб чиқариш жараёнига билвосита тарзда таъсир қилиши мумкин.

Капиталнинг ссуда шаклидаги миграцияси деганда капиталиинг барча халқаро ҳаракатланиши тушунилиб, қуйидаги турдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва тўғридан-тўғри инвестициялар бундан мустасно:

- давлат ва хусусий заёмлар;
- бошқа мамлакатларнинг облигациялари, хорижий компаниянинг векселлари ва траттини сотиб олиш;
- қарзлар бўйича тўловлар;
- банклараро депозитлар;
- ривожланишга расмий ёрдам.

Халқаро валюта фонди яна бир гуруҳ-«бошқа инвестициялар» гурухини ажратади. Бу гуруҳ асосан халқаро заёмлар ва банк депозитларидан ташкил топади. Улар баъзида портфель, баъзида тўғридан-тўғри инвестициялар таркибида бўлиши мумкин.

Замонавий инвестиция амалиётига зид бўлган иккита ҳолат мавжуд.

Биринчидан, у мутлақо мантиққа мос келади ва валюта кредит муносабатлари позициясида ишлай олади. Бироқ савдо-иктисодий алоқаларидан инвестицияларга боғлиқ турли операциялар келиб чиқади. Улар орасидаги турли-туман сервис, маркетинг, бошқарув, технологик ва бошқа операцияларга берилган таснифга мос тушмайдиган инвестициявий хуқуқларни юзага келтиради. Улар хорижий инвесторга мулкчилик хуқуқини беришни кўзда тутмайди, бироқ мунтазам даромад олиш хуқуқини беради (роялти, ренталс ва х.к.).

Иккинчидан, баён қилинган схемада барча шакллар бир маъноли бўлиб, бир чизиққа тортилгандек туюлади. Бироқ илгари олинган ва тақсимланган фойданинг қайта тақсимланиши эмас, балки ҳақиқий ишлаб чиқаришни бошқариш нуқтаи назаридан инвестицияларнинг қандай шакллари мухимроқ, деган масала долзарб ҳисобланади.

2.2.Иқтисодиётни модернизациялаш жараёнида инвестициялардан самарали фойдаланишнинг сифат кўрсаткичлари таҳлили

Иқтисодий ўсиш сифати жараёнини таҳлил қилиш нуқтаи назаридан ёндашилганда инвестицияларга янги корхоналарни ташкил этиш, мавжудларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга кетадиган маблағлар деб таъриф бериш мақсадга мувоффикроқдир. Инвестициялар макроиқтисодий даражада икки хил ҳусусиятга эга бўлади. Биринчидан - инвестициялар ўзгарувчан харажатлар тури бўлиб, у кескин ортиши ёки камайиши мумкин. Бундай ўзгаришлар ЯИМ ҳажмига тўғридан-тўғри таъсир этади.

Бошқача айтганда инвестициялар иқтисодий ўсиш сифатига нисбатан кўпроқ даражада ўзгарувчан ҳисобланади. Иккинчидан инвестициялар асосий капиталнинг жамғарилишига олиб келади. Ишлаб чиқариш воситалари, бинолар, асбоб-ускуналар шаклидаги асосий капитал ҳажмининг ўсиши миллий иқтисодиётда иқтисодий ўсишда сифат ўзгаришларга ва ўз навбатида ЯИМ ҳажмини ортишига олиб келади.

Ялпи инвестицияларнинг таркибий қисмлари бўлиб қуидагилар киради:

1. Қурилиш, биноларга инвестициялар;
2. Инвестицион товарларга инвестициялар;
3. Моддий айланма маблағлари заҳираларига инвестициялар.

Ялпи инвестициядаги соф инвестициянинг микдори ялпи инвестициядан истеъмол қилинган асосий капитал қиймати айирмасига teng. Соф инвестициянинг умумий микдори асосий капитал қийматининг ўсиши ва моддий айланма маблағлари заҳираларининг ўсиши шаклида намоён бўлади. Айланма маблағлар олдинги даврга нисбатан камайганида соф инвестициялар фақат асосий капиталлар қийматининг ўсишида буюмлашади. Ялпи инвестиция микдори асосий капиталдаги ялпи инвестиция суммасига ва моддий айланма маблағлар қиймати нинг ўсган микдори (ёки заҳиралар

қийматининг ўзгариши) йиғиндисига тенг. 2000-2020 йилларда асосий капиталдаги инвестиция улуши ялпи инвестицияда ҳам, ЯИМда ҳам ўсиб борган. Агар унинг хиссаси ЯИМ да 2005 йилда 22,9%дан, 2020 йилга келиб 37,0% гача ўсади.

Айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 4,2 миллиард долларни ташкил этиб, 2018 йилга нисбатан – мана шу рақамга эътиборингизни қаратмоқчиман – 3,1 миллиард долларга ёки 3,7 баробар ўсади. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37 фоизга етди²³.

Мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижасида инвестицияларнинг мулк шакллари бўйича таркибида катта сифат ўзгаришлар содир бўлди. Тадқиқ этилаётган даврда давлат мулки улуши 36,2%дан 16,0%гача пасайган ва аксинча нодавлат мулки улуши шунга мос равишда 63,8%дан 84,0%гача ўсан. Бу республикада ушбу даврда хусусийлаштириш ва мулкни давлат тасаруфидан чиқариш бўйича олиб борилган иқтисодий ислоҳотлар натижасидир. Давлат инвестициялари дейилганда давлат бюджети маблағлари ва бюджетдан ташқари, ҳамда давлат кархоналарининг Республика ресурслари ҳисобига ташкил топадиган инвестициялари тушунилади. Мулк муносабатларидағи қайта ўзгаришлар натижасида Республикада ялпи инвестицияларнинг номарказлашган манбалари кенгайиб борди. Шу билан бирга 2000-2020 йилларда давлат инвестициялари улуши барқарор суръатда камайди.

Таҳлил қилинган даврда инвестицияларда хусусий мулкнинг улуши сезиларли даражада ортган (2005 йилда 14,2% дан 2017 йилдаги 20,1% гача ўсан. Бу йиллар ичida факат якка тартибдаги уй-жой қурилишига инвестицияларнинг улуши бироз пасайган. 2005-2019 йилларда инвестицияларнинг умумий суммасида қўшма корхоналарнинг улуши 14,9%дан 26,9%га ўсиши республикамизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида ва инвестицион муҳитдаги муҳим сифат ўзгаришларни ифода

²³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://habar.uz.

этади. Шу билан бирга бу йиллар ичида қўшма корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариш, экспорт ва импортдаги улуши ўсган.

2.3.- жадвал.Ўзбекистон Республикасида инвестицияларнинг тармоқлар бўйича таркибининг ўзгариши. (амалдаги нархларда, % ларда)

	2005	2010	2018
Барча манбалар ҳисобига инвестициялар шу жумладан:	100	100	100
1.Ишлаб чиқариш мақсадларига мўлжалланган, улардан	68,2	73,7	66,7
а) саноатга	32,5	30,4	35,9
б) қишлоқ хўжалигига	4,4	3,5	3,3
в) курилишга	0,9	1,4	4,4
г) транспорт ва алоқага	24,1	29,7	17,1
д)савдо, умумий овқатланиш моддий-техника маъминотига ва бошқа тармоқлар.	6,3	8,7	6,0
2. Ижтимоий соҳа тармоқлари, улардан:	31,8	26,3	33,3
а) уй-жой қурилишига	11,5	12,4	17,9
б) Коммунал хўжалигига	2,8	1,5	2,0
в)соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминотга	2,4	1,7	2,3
г) ҳалқ таълимига	5,0	2,1	2,7
д) фан, маданият, санъатга	10,1	8,4	8,4

ЯИМдаги таркибий ўзгаришлар инвестицияларни тармоқ таркибининг ўзгаришида ўз аксини топади. Чунки инновацион иқтисодиётга ўтиш талабидан келиб чиқиб иқтисодиётда янги инновацион тармоқларнинг пайдо бўлиши, ёқилғи-энергетика мустақиллигига эришиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш инвестициялар таркибини ўзгаришини тақозо этади.

2005-2010 йилларда ишлаб чиқариш мақсадларидағи инвестицияларнинг улуши бирор ўсган, бирор 2010-2018 йилларда уларнинг улуши 73,7%дан 66,7%гача пасайган. Бу асосан транспорт ва алоқага йўналтирилган инвестицияларнинг динамикаси учун характерлидир. Мазкур тармоқнинг инвестициялардаги улуши 2005-2010 йилларда -24,1% дан 29,7% гача ортган, 2010-2018 йилларда унинг улуши 29,7%дан 17,1%га пасайган,

саноатда ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган инвестицияларнинг барқарор 35,9% улушини ташкил этмоқда.

Инвестиция жалб этишнинг самарали воситаларидан бири бўлган давлат-хусусий шериклик механизмларини транспорт, энергетика, йўл, коммунал, тиббиёт, таълим каби соҳаларга кенг татбиқ этиш керак²⁴.

Инвестициялар тармоқ таркибида қишлоқ хўжалиги улушкининг кескин камайиши диққат эътиборини тортади. Республикада 2005 йилда унинг улushi 4,4% ни ташкил қилган бўлса, 2010 йилда 3,5%ни ва 2018 йилда унинг улushi атиги 3,3%ни ташкил этди, яъни бу 2005 йилга нисбатан 1,1 пунктга камдир. Шу билан бирга бугунги кунда қишлоқ хўжалигига, яратилган ЯИМнинг 19,2% дан кўпроғи тўғри келади. Табиий-иқлим шароитлари, ерларнинг ва ирригация тизимининг ҳолати, умумий инвестицияларда қишлоқ хўжалигининг улушкини кескин оширишни талаб қиласди.

Иқтисодий ўсиш даврида хизмат кўрсатиш соҳасига, уй-жой хўжалиги, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, фан ва маданиятга йўналтирилган инвестицияларнинг улushi ортди. Инвестицияларнинг қайд қилинган тармоқларда ортиши ЯИМнинг тармоқ таркибида сифат ўзгаришларга олиб келди.

ЯИМнинг тармоқ таркибида транспорт ва алоқага инвестицион сарфларининг анчагина кўпайиши мазкур тармоқларни реконструкция қилиш, транспорт коммуникацияларини кенгайтириш бирга борди. Иқтисодий ўсиш даврида инвестицияларида саноат ва қишлоқ хўжалиги сингари тармоқлар улушкининг камайиши ҳамда ижтимоий соҳа тармоқлари улушкининг ортиб бориши ундаги сифат ўзгаришларни ифода этади. Унда капитал талаб тармоқлардан бундай талаб бўлмаган тармоқларга инвестициялар оқиб ўтиши юз берди.

Инвестициялар хажми ўсишида барча тадқиқ этилган даврларда ишлаб чиқариш мақсадларига йўналтирилган инвестициялар улushi ижтимоий соҳа

²⁴ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz.

тармоқларига йўналтирилганларига нисбатан юқори даражада эканлиги ундаги сифат ўзгаришлар бўлиб ҳисобланади. 2005-2019 йилларда инвестициялар ҳажми барча тармоқларда барқарор ўсган, бироқ унинг ҳажми турли тармоқларда турли хил даражада ўсган. Энг юқори 1197,4% ўсиш курилишга тўғри келади. Иккинчи ўринда саноат 563,4% билан туради.

2005-2017 йилларда ижтимоий соҳа тармоқларга йўналтирилган инвестицияларнинг улуши барқарор ялпи инвестицияларнинг 3/1 қисмини ташкил этган. Ижтимоий соҳа тармоқларга йўналтирилган инвестицияларнинг таркибида тадқиқ этилаётган даврда энг юқори ўсиш 843,3% билан, уй-жой қурилишига тўғри келади. Ижтимоий соҳа тармоқларга йўналалтирилган инвестициялар ўсишида энг паст даражада ўсиш 2005-2017 йилларда 128,2% билан фан, маданият ва санъатга тармоқларига тўғри келмоқда. Ўзбекистон Республикасини инновацион иқтисодиётга ўтиш даврида инновацияларни яратувчи бўлган фан, маданият ва санъатга тармоқларига катта ҳажмдаги инвестицияларни йўналтириш мақсадга мувофиқдир.

Инвестицияларнинг молиялаш манбалари бўйича таркибида муҳим сифат ўзгаришлари юз бермоқда. 2005 йилдан бошлиб ялпи инвестицияларда марказлаштирилган маблағлар улуши пасайиб борди ва 2017 йилга келиб уларнинг улуши ялпи инвестицияларнинг 24,7%ни ташкил этди. 2005 йилдан бошлиб аксинча номарказлашган маблағлар улуши ўсиб борди (№7 Илова). Натижада 2017 йилга келиб ялпи инвестицияларда уларнинг улуши 75,3%ни ташкил этмоқда. Унда биринчи навбатда, хусусий инвестициялар ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши ошиб борди. Бу Ўзбекистонда эркин рақобатга асосланган бозор муносабатлари тараққиёти ва ялпи инвестициялар таркибидаги сифат ўзгаришлар натижасидир.

Ўзбекистон Республикаси хукумати томонидан ялпи инвестицияларда давлат бюджети харажатларининг улушкини 2005 йилдаги 12,2% ли даражаси билан таққослаганда 2017 йилда 5,5 пунктгача пасайиб борган. Давлат

инвестицияларининг энг биринчи навбатда ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этишга йўналтирилиши, пивовардида мамлакатни ижтимоий жиҳатдан ривожлантиришнинг юқори кўрсаткичларида, айниқса қишлоқ тараққиёти динамикасида ўз аксини топди. Инвестицион жараёнларда бюджетдан ташқари фондларнинг аҳамияти ошиб бормоқда. 2005 йилда уларнинг улуши 4,8 фоизни ташкил этган бўлса, ўтган 2018 йилда 12,7%гача ўсди.

Жорий йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Янги Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади²⁵.

Номарказлашган инвестицияларнинг иқтисодиётга йўналтирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмидаги улуши кейинги йилларда қарийб 75,3 %ни ташкил этгани ҳолда, уларнинг ҳажми 2000-2018 йиллар мобайнида 0,8 пунктга камайди. Шу жумладан, корхоналарнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилаётган инвестициялар ҳажми 2,7 мартадан кўпроқча ортган бўлса, кейинги олти йил (2010 – 2018 йиллар) давомида инвестиция манбалари таркибидаги марказлашмаган инвестицияларнинг улуши 30 – 34 фоиз атрофида сақланиб турибди. Аҳоли ва корхоналар ўз маблағларини ишлаб чиқаришни модернизациялашга, техник ва технологик жиҳатдан қайта куроллантиришга, уй-жой қурилишига ва хусусий бизнесларини кенгайтиришга кўпроқ даражада сарфлаш номарказлашган инвестициялар таркибидаги муҳим сифат ўзгаришларни ташкил этади.

Инвестицион жараёнларда ўз навбатида аҳолининг иштироки ҳам тобора кенгайиб бораётганлигини муҳим сифат ўзгаришлар сифатида қайд этиш

²⁵ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz

мумкин. Инвестициялар таркибидаги аҳоли маблағларининг улуши 2005 – 2009 йиллардаги 10 – 11 фоиздан 2018 йилга келиб 14,5%гача ўсган. Аҳоли турмуш даражаси ва реал даромадларининг ўсиши эвазига аҳоли инвестицион фаолиятининг фаоллашуви аҳоли жамғармаларининг кўпайишига замин яратиб берди. Мазкур давр мобайнида аҳолининг ялпи даромадлари 16,4 мартаға ўсган.

Банк – молия тизимини ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган чора – тадбирлар натижасида таҳлил этилаётган давр мобайнида тижорат банкларининг инвестицион салоҳияти етарлича кенгайди. Бунинг натижасида эса, капитал қўйилмаларнинг умумий таркибида банк инвестицияларининг улуши 2005 йилда 3,8 %дан 2017 йилга келиб 11,0%гача ўси. Бунда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитларнинг 79% дан кўпроғи қайтариш муддати уч йилдан ортиқ бўлган узок муддатли кредитлар эканлигини таъкидлаб ўтиш лозим.

Банк тизимини ривожлантириш учун бу йил кескин чоралар кўришимиз лозим. Афсуски, банк тизими рақамли технологияларни қўллаш, янги банк маҳсулотларини жорий этиш ва дастурий таъминотлар бўйича замон талабларидан 10-15 йил орқада қолмоқда. 2020 йилдан бошлаб ҳар бир банкда кенг кўламли трансформация дастури амалга оширилади. Бу борада банкларимизнинг капитал, ресурс базаси ва даромадларини ошириш алоҳида эътиборимиз марказида бўлади. Банк тизимида тадбиркорларни қўллаб-куvvatлайдиган “лойиҳалар фабрикаси” фаолиятини йўлга қўйишимиз лозим²⁶.

Шунингдек, Мурожаатномада таъкидланганидек, банкларимиз халқаро молия бозорларига чиқиб, арzon ва узок муддатли ресурслар олиб келиши зарур. Миллий банк ва Ипотека банк бу йил ўз евробондларини чиқариши мақсадга мувофиқдир. Давлат улушкига эга бўлган банклар босқичма-босқич

²⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz

стратегик инвесторларга сотилади. Банк соҳасидаги ислоҳотларнинг асосий мақсади – тижорат банкларини мижоз учун ишлашга ўргатишдан иборат.

Бугунги кунда иқтисодий адабиётларда инвестиция меъёри масалаларига катта эътибор қаратилиши бу кўрсаткич билан иқтисодий ўсиш ўртасида узвий боғлиқлик борлигидан келиб чиқади. Тажрибалар кўрсатишича инвестиция меъёрининг пасайиши ишлаб чиқариш ҳажмининг камайишига олиб келади. Қозоғистонда тадқиқ этилаётган даврда инвестиция сарфларининг 4,6%га пасайиши ЯИМ нинг ўсиш суръатини 2010 йилдаги 107,3%дан 2017 йилга келиб 104,4%га пасайишига олиб келди²⁷.

Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича ЯИМда ялпи инвестициянинг оптимал (мақсадга мувофиқ) меъёри 28-30% ни, шу жумладан асосий капиталдагиси 20-23% ни ташкил этиши лозим. Жаҳон тажрибасининг кўрсатишича ЯИМда ялпи инвестицияларнинг улуши юқори даражасида, ўсиш суръатлари эса паст бўлиши мумкин. Аксинча, инвестициянинг нисбатан қуий даражасида иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари билан бирга кечиш ҳам мумкин. Шу сабабли инглиз иқтисодчиси Р.Стоуннинг инвестиция сарфлари даражаси узоқ муддатли даврда иқтисодий ўсиш суръатига ҳеч қандай таъсир кўрсатмайди, қисқа муддатли даврда эса таъсир этади деган холосаси қизиқарлидир.


Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган ЯИМда ялпи инвестициялар улуши 2005 йилда 19,9% дан 2017 йилга келиб 24,4%ни ташкил этган. МДҲ мамлакатлари ЯИМда инвестициялар улушкининг пасайиши ЯИМни ишлаб чиқариш ҳажмини камайишининг муҳим сабабларидан бири бўлган. Жумладан, Россия Федерациясида ЯИМда ялпи инвестициянинг улуши 2010 йилдаги 17,8% дан 2017 йилдаги 16,2% га, Қозоғистонда эса мос равища 21,6% дан 16,4% гача тушиб кетган кўрсаткичdir²⁸.

Ўзбекистонда 2005-2017 йилларда ялпи инвестициялар улушкининг ЯИМ динамикасига таъсири 2.1-расмда ифода этилган. Ўзбекистон

²⁷ Россия и страны мира 2017. Статистический сборник. Москва.2018г.- С.81.

²⁸ Россия и страны мира 2017. Статистический сборник. Москва.2018г.- С.87.

Республикасида иқтисодий ислоҳотлар даврида инвестиция ҳажмининг 2007- 2009 йилларда ўтган йилга нисбатан 125,8%, 134,1% ва 124,8% га ўсиши ЯИМ ҳажмининг ҳам шунга мос равища энг катта ўсишига яни 107,5%дан 109,5%га ўсишига олиб келган.



2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида 2005-2016 йилларда инвестиция билан ЯИМ харакати траекторияси²⁹

2010 йилдан бошлаб инвестицион фаолликнинг пасайиши натижасида ЯИМ ҳажмининг ўсиш кўрсаткичларини 109%дан, 108%га пасайишига олиб келди. Кейинги олти йил давомида Республикаизда ЯИМ ҳажмининг тўхтовсиз 8,0% га ўсиб бориши тадқиқ этилаётган даврда ялпи инвестиция ҳажмининг 475,6%га³⁰ ўсиши билан боғлиқ ҳисобланади.

ЯИМда ялпи инвестициялар ҳажми энг юқори 134,1% га ўсишини ташкил этган 2008 йилда ЯИМ ҳажми ҳам шунга мос равища энг катта яни 109,5% га ўсган. 2010-2017 йилларда инвестицияни 182,2%га ўсган пайтда ЯИМ ҳажмини йиллик ўсиш суръатининг 108,0% ни ташкил қилди. Лекин ушбу йилларда ЯИМ ҳажмининг доимий ўсишига, ялпи инвестиция сарфлари ҳажмининг 2017 йилда 2005 йилга нисбатан 475,6%га

²⁹ Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг мазкур йиллар бўйича маълумотлари ва муаллифнинг тахлиллари асосида тузилган.

³⁰ Ўзбекистон Республикасининг статистик ахборотномаси. Т. 2018 йил.-Б.60.

ўсиб боргани асос бўлган. Бундан қўринадики, инвестицияларнинг ўсиши ЯИМ ҳажмининг ўсиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ.

2.1-расмдаги ялпи инвестициялар билан ЯИМ ҳажмининг таҳлил қилинган давридаги ҳаракат троекториясига асосланиб Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш истиқболлари бўйича, қўйидаги хуносаларни чиқариш мумкин:

- ишлаб чиқарилган ЯИМда ялпи инвестиция ҳажмини ўсиши 2008 йилдаги 134,1% дан, 2010 йилда 108,7% гача ва 2017 йилда 107,1% ни ташкил қилиши республикамизда ЯИМ ҳажмининг истиқболда йиллик ўсиш суръатлари 108% ва ундан юқори даражада бўлининини таъминлаш учун етарли эмас;
- 2017-2021 йилларда ишлаб чиқарилган ЯИМда ялпи инвестиция ўсишини 134-136% бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади;
- Республикада ЯИМнинг нисбатан устун даражада ўсишини таъминлаш имкониятини берадиган енгил саноат, қишлоқ хўжалиги ва қайта ишлаш саноатига нисбатан кўпроқ миқдорда капитал қўйилмалар йўналтириш лозим бўлади;
- Ялпи инвестициялар таркибида чет эл инвестициялари улушкининг кескин ўсишини таъминлаш ва унинг ҳиссасини 80-85% гача етказишига эришиш учун барча иқтисодий, ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш лозим.

2.3. Минтақада инвестицион фоалиятни тартибга солиш ва рағбатлантириш тизими

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида таъкидлаганидек, “..энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чукур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилмоқда.

Натижада ўтган йили иқтисодий ўсиш 5,6 фоизни ташкил этди. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,6 фоизга, экспорт – 28 фоизга кўпайди. Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 миллиард долларга ортиб, 28,6 миллиард долларга етди”³¹.

Инвестиция фаолиятини тартибга солиш, хукуқий нуқтаи назаридан, турли мулкдорлар ўртасида моддий ва номоддий активларни такрор ишлаб чиқариш хусусидаги ўзига хос, мураккаб, ижтимоий зарур иқтисодий (инвестиция) муносабатларини шакллантириш меъёрларини назарда тутади. Инвестиция жараёнининг барча субъектлари – чет эллик инвесторлардан бошлаб, давлат, юридик ва жисмоний, шу жумладан чет эллик шахслар (резидентлар ва норезидентлар) гача бу муносабатларнинг иштирокчиларига айланадилар. Хукуқий нуқтаи назардан чет эл инвестициялари бошқа давлат ҳудудида капиталга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этиш билан боғлиқ. Иқтисодий нуқтаи назардан эса уларнинг ҳудудий, замон ва макондаги ҳаракати шакллари фойда олиш мақсадида кўпдан-кўп кўшимча рисклар билан тўқнашиш эҳтимолига эга бўлади.

Инвестиция муносабатларининг моҳияти бу фаолият иштирокчилари доирасида ва даражасида ўз ифодасини топади. Инвестиция фаолияти ривожланишининг объектив шароитларини акс эттирадиган алоҳида инвестиция муносабатларининг мавжудлиги тартибга солишнинг мустақил предмети бўлишини тақозо қиласи. Хукуқ нуқтаи назаридан инвестиция фаолиятини тартибга солиш умумий хукуқий ва хусусий хукуқий тартибга солиш меъёрларини қамраб олади. Бу меъёрларнинг бирлиги ижтимоий ва алоҳида инвестиция муносабатларининг ҳарактери ва моҳиятини ифода этади ва уларни тартибга солиш усулига айланади. Тартибга солиш усувлари хукуқ меъёрларининг ҳам алоҳида, ҳам ижтимоий зарур инвестиция муносабатлари ҳарактерига ўзига хос тарзда таъсир кўрсатиш йўлларидан иборат.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. //xabar.uz.

Инвестиция фаолияти предметининг қўп укладли иқтисодиётни барпо этиш давридаги аҳамияти бу фаолиятни хуқуқий жиҳатдан тартибга солиш тўғрисида қонунлар қабул қилинишини талаб қиласди.

Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солища Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида», «Инвестиция фаолияти тўғрисида» қонунлари ва бошқа қонун хужжатлари хуқуқий асос бўлиб хизмат қиласди.

Республикада инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш биринчи навбатда давлатнинг иқтисодий, илмий – техникавий ва ижтимоий сиёсатини амалга ошириш мақсадларини кўзлади.

Капиталнинг мамлакатлараро кўчиб юриши кенгайган шароитларда инвестиция фаолияти, бир томондан, миллий, иккинчи томондан, халқаро инвестиция муносабатларини миллий ва халқаро ҳуқуқ тизими асосида тартибга солиш йўли билан амалга оширилишини талаб этади. Инвестиция фаолиятини тартибга солищдаги халқаро тажрибаларни ҳисобга олиш, чет эл инвесторларига инвестициялашнинг барча турлари ва шаклларида миллий тартиботни бериш янада қулай инвестиция мухитини яратади ва чет эл инвестицияларининг кириб келишини тезлаштиради. Инвестиция муносабатларини давлат томонидан тартибга солиниши хуқуқий шароитлар яратиш, ушбу фаолиятни юритиш учун кафолатлар бериш, бу фаолият субъектларини сугурталаш ва бошқа воситалар орқали ижтимоий ёки давлат манфаатларини амалга ошириш йўлида ташкил этилади.

Ҳозирги даврда инвестиция муносабатлари капиталларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш борасидаги муносабатларни қамраб олади ва нафақат миллий иқтисодиёт доирасида, балки халқаро иқтисодиёт дарражасида ресурсларни тақсимлаш, қайта тақсимлаш жараёнларини акс эттиради.

Республикада кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш шароитларида инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солища асосий вазифалар куйидагилардан иборат: ижтимоий ва хусусий манфаатларни; айrim мамлакатлар,

корпорациялар, халқаро молия институтлари, якка инвесторлар манфаатларини тұғри аниқлаш; уларнинг ўзаро мақбул нисбатларини келишиб олиш; уларни ҳаётда рүёбга чиқаришнинг тенг хукукий шароитлари ва кафолатларини белгилаш.

Маълумки, инвестиция фаолияти капитал, тадбиркорлик, молия, инновация, ижтимоий, истеъмол ва бошқа инвестицияларнинг ҳамма турлари билан боғлиқ бўлиб, одатда, соликларнинг фискал (хазинани тўлдириш) ва тартибга солиш функцияларидан фойдаланиш йўли билан амалга оширилади. Бу фаолият, шунингдек, амортизация сиёсатини, дотациялар, субсидиялар тизимини, кредит, нарх сиёсатини, давлат кафолатлари тизимини, имтиёзлар яратишни, чет эл инвесторларининг хукукларини ҳимоя қилишни ва бошқаларни ҳам қамраб олади. Давлат ҳаражатларини молиялаштириш учун турли даражадаги бюджетларга зарур маблағлар тушумларини таъминлашга қаратилган фискал вазифанинг бажарилиши, миллий иқтисодиётнинг ривожланиш даражасига боғлиқ. Тартибга солиш функциясини ишлатилиши давлатнинг такрор ишлаб чиқариш жараёнида айrim тармоқларга инвестициялар оқимларини бошқариши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, иқтисодиётнинг турли соҳаларида капитал жамғарилиши жараёнларини қучайтириш ёки сусайтириш, аҳолининг тўловга қобил талабини кенгайтириш ёки қисқартириш йўллари билан тартибга солиш функцияси фойдаланилади. Соликларни тартибга солиш макроиктисодий жараён ва пропорцияларга таъсир этишига қаратилади. Соликқа тортишда имтиёзлар, асосан, микроиктисодиётга қаратилган ва иқтисодий субъектлар манфаатларини ҳисобга олади. Юқорида кўриб ўтган функциялар солик ставкалари микдорини ўзгартириш, имтиёзлар ва санкциялар (жазо чоралари) қўллаш, солик кредитлари бериш, тўлов муддатларини кечиктириш ва бошқа йўллар билан амалга оширилади (2.2.-расм).


Жаҳондаги кўпгина мамлакатларда соликларнинг инвестиция фаолиятини рағбатлантиришга қаратилган тартибга солиш функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан, Япония, Тайвань, Жанубий Кореяда ўтиш даврида солик

протекционизмидан унумли фойдаланилган. АҚШда «буюк депрессия»ни бартараф этиш даврида ҳам худди шундай бўлган.

Солиқ имтиёзлари қуидаги шаклларда қўлланилади:

- фойда солигидан чегирма тарзида бериладиган солиқ кредити;
- фойда солиги базасини камайтириш чегирмалари;
- соликдан бутунлай озод қилиш ёки пасайтирилган солиқ ставкаларини белгилаш;
- жадаллаштирилган амортизацияни қўллаш.

Жадаллаштирилган амортизацияда солиққа тортиш тизими ўзгаришсиз қолади, лекин солиққа тортиладиган фойда камайтирилади (унинг бир қисми солиққа тортилмайдиган ҳаражатларга ўтказилади). Кўпчилик иқтисодчилар солиқ имтиёзларига қарши чиқишади. Уларнинг фикрича, солиқ имтиёзлари ресурсларни самарали тақсимотини таъминламайди, суистеъмолликларни келтириб чиқаради, солиқ тизимининг деформациясини юзага келтиради ва солиққа тортиш тизимини ўзгартиришда қийинчиликларга олиб келади. Бизнинг фикримизча, инвестицияларнинг мамлакатлар бўйлаб кўчиши кенгайган шароитларда, солиқ кредитидан, имтиёз ва рағбат омиларидан фойдаланиш, аксинча, инвестиция фаолиятини самарали тартибга солишга имконият яратади.



2.1-расм. Ўзбекистонда инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари

Чет эл инвестицияларининг киришини рағбатлантириш мақсадларида ҳамда чет эл капиталига ўсиб бораётган талабни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг назаримизда, қарз олувчи томон ўзининг солик сиёсатини шундай қайта қуриши керакки, натижада бу сиёсат бошқа мамлакатлар учун интиладиган шароитга айлансин. Ўзбекистонда солик имтиёзларини қўллаш, солиқка тортиш ставкаларини камайтириш, солиқка тортиш базасини пасайтириш ва солиқдан бутунлай озод қилиш каби шакллари қўлланилади. Республикада фойда солиги бўйича кўпроқ тарқалган имтиёз – бу фойданинг солиқка тортиладиган базасини озод қилиш, қисман озод қилиш ва камайтиришдир. Республикамизда инвестиция фаолиятини тартибга солиш амалиётида қўлланилаётган солик имтиёзлари ва рағбатлантириш омиллари тизими мустақиллик йилларида кенгайтирилиб, такомиллаштирилиб борилди.

Қўлланилаётган имтиёзларнинг амал қилиш механизмлари инвестицияларни рағбатлантириш, ижтимоий соҳани қўллаб-куватлаш, чет эл инвестициялари оқимини кўпайтиришга қаратилган.

Шу билан бирга, республиканинг солик солиш тизимида (бу тизимда билвосита-эгри соликлар кўпроқ ўринни эгаллайди) ставкалар, имтиёзлар, солиқка тортиш объектларида барқарорлик йўқ. Асосий капитални шакллантиришда кўшилган қиймат солиғини ҳисобга олишда, икки томонлама ва ундан ортиқ солиқка тортиш муаммолари мавжуд. Бу тизимда инвестициялар бўйича солик кредитларининг турили шаклларидан фойдаланиш етарли равища ривожлантирилмаган эди.

Халқаро тажриба чет эл инвестициялари оқимларини ҳарид қобилияти юқори бўлган мамлакатлар ва минтақаларга интилишини кўрсатади. Чет эл инвестициялари таклифи шу маҳсулотни ўз мамлакатида ишлаб чиқариб, сўнгра истеъмолчи мамлакатга экспорт қилишдан кўра пировард маҳсулотни экспорт қилиш ўрнига истеъмолчи мамлакатга чет эл инвестицияларини киритишнинг манфаатли, нафлироқ бўлишига боғлиқ. Шу сабабли инвестицияларни қабул қилувчи мамлакатнинг солик тизими бу ҳолатни ҳисобга олиши ва имтиёзлар

бериши ёки солиққа тортиш даражасини сақлаган, лекин унинг тузилмасини алмаштирган ҳолда чет эл инвестицияларини солиқдан озод қилиш керак. Чет эл инвестициялари киритувчиларига ва минтақаларга киритиш мақсадларига қараб, ҳар бир муайян ҳолда қўшимча у ёки бу солик имтиёzlари ва кафолатлари берилиши мақсадга мувофиқдир. Жамғариш ва инвестициялашни рағбатлантириш мақсадларида инвестициялар бўйича солик кредитининг турли шаклларини кенгроқ ишга солиш талаб этилади.

Инвестицияларни рағбатлантиришнинг муҳим тадбирлари-дан бири жадаллаштирилган амортизация ҳисобланади. Жаҳон амалиётида амортизация ажратмаларининг турли усуллари қўлланилади: эскиришни бир текисда ҳисоблаш (straight line); йиллар йифиндиси усули (sum-of years digits); икки марта камайиб борувчи қолдик усули (double-declining balance); фойдаланиш бирлиги усули (units of production). Амортизацияни ҳисоблашда талаб қилинадиган усулдан оқилона ва омилкорлик билан фойдаланиши корхоналар учун молиявий воситаларнинг катта қисмини, агар бу маблағлар инвестицияларга йўналтириладиган бўлса, фойда солигига тортилишдан озод қилиш имкониятларини яратади. Бундай шароитда фойдадан молиялаштириладиган инвестициялар учун имтиёз олиш заруратига ўрин қолмайди.

Жадаллаштирилган амортизация усуллари инвестицияларни рағбатлантиради, чунки солиққа тортиладиган даромадни, демак, солиқлар суммасини анча қисқартириш имконини яратади. Бундан ташқари, инфляция мавжуд бўлган шароитларда бу усуллар ҳисобланган амортизацияларнинг жорий қийматини саклаш имкониятини беради, уларни бир текисда ҳисоблаш усулида эса жорий қийматни сақлаб қолиб бўлмайди. Шунинг учун, бизнинг фикримизча, инфляция мавжуд бўлган шароитларда амортизация нормасини инфляциянинг истиқболланган даражасини ҳисобга олиб ўзгартириш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Турли мамлакатларнинг тажрибалари тасдиқлашича, жадаллаштирилган амортизация:

- капитал жамғарилишини тезлаштириш (чунки яширилган фойданинг жами суммаси капитал қўйилмаларга кетади);
- асосий капиталнинг янгиланишини жадаллаштириш, муайян даражада уни инфляциядан бехатар қилиш ва рақобатбардошликни кўтариш;
- инвестицияга йўналтириладиган фойдани соликқа тортишдан қонуний равишда озод қилиш имкониятларини беради.

Бугунги кунда иқтисодиёти ривожланган кўпгина мамлакатлар факат капитални эмас, балки ишлаб чиқаришни ҳам ўз мамлакати чегараларидан четга чиқаришни афзал кўрадилар. Шубҳасиз, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун тегишли солик имтиёzlари, чет эллик инвесторларнинг мулкчилик хукуқини кафолатлаш, фойдани олиб чиқиб кетиш шартларини белгилашда, чет эллик инвесторларнинг мулкини баҳолаш, соликқа тортиш, даромадларни тақсимлаш, инфратузилмани барпо қилишда ва божхона сиёсатини олиб боришда имтиёzlар зарур. Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш бўйича реал амал қиласидан механизмлар бўлмаса чет эл капитали оқимининг кўпайишига умид боғлаб бўлмайди.

Чет эллик инвесторлар инвестициялар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласар экан, биринчи навбатда ўзларининг манфаатлари ва мақсадларидан келиб чиқади. Бунда улар мижоз мамлакатда турли-туман қўшимча рискларни ҳам ҳисобга оладилар.

Ўзбекистонда чет эл инвестициялари давлат томонидан ва қонун билан ҳимоя қилинади. Инвестициялашнинг хукуқий, иқтисодий ва ташкилий асослари ишлаб чиқилган, инвестиция фаолияти соҳасида республика томонидан имзоланган халқаро шартномалар принципларига мувофиқ чет эл инвестицияларини амалга оширишнинг база-вий шартлари белгиланган. «Чет эллик инвесторлар хукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунида чет эл инвестицияларининг хукуқий режими Ўзбекистон Республикасининг худди шундай жисмоний ва юридик шахслари учун тегишли режимдан ноқулайроқ бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган. Мамлакатда

чет эллик инвесторларга кенг имкониятлар яратилган, чунончи, инвестиция мақсадларида ишлаб чиқариш бинолари, иморатлар, ускуна-жихозлар, уй-жой сотиб олиш, ерни узок муддат ижарага олиш, хусусийлаштириш дастурида қатнашиш ҳуқуқлари берилган. Чет эллик инвестор инвестиция натижалари ва объектларига эгалик қилиш, фойдаланиш, тасарруф қилиш ҳуқуқига эга. Яна шу жумлагага реинвестиция ҳамда ҳалқаро ҳуқуқ нормалари ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ мамлакатимиз худудида ва ундан ташқарида савдо операциялари ўтказиш ҳуқуқи ҳам киради.

Чет эллик инвестор қарори билан инвестицияларга ва уларнинг натижаларига эгалик қилиш, улардан фойдаланиш, тасарруф этиш ҳуқуқи республика қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда бошқа жисмоний ва юридик шахсларга берилиши мумкин.

Ўзбекистон чет эллик инвесторларнинг республика худудида инвестиция фаолиятини амалга оширишдаги ҳуқуқлари ҳалқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ химоя қилинишини кафолатлайди. Агар Ўзбекистон Республикасининг келгусидаги қонун ҳужжатлари инвестициялаш шароитларини ноқулайлаштирадиган бўлса, ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддат давомида чет эл инвестицияларига нисбатан инвестициялар амалга оширилган пайтда амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилади. Ушбу ҳуқуқий меъёр чет эллик инвесторлар нуқтаи назарида ғоят муҳим ҳисобланади. Бу меъёр мудофаа, миллий хавфсизлик, жамоат тартибини саклаш, атроф-мухитни химоя қилишга тааллуқли қонун ҳужжатларини ўзгартиришга татбиқ этилмайди.

Республика қонун ҳужжатларига мувофиқ чет эл инвестициялари миллийлаштирилиши, давлат тасарруфига олиниши мумкин эмас. Чет эл инвестициялари табиий оғатлар, фалокатлар, эпидемиялар, эпизоотиялар ҳолларини мустасно қилганда, риквизиция қилинмайди. Чет эллик инвесторларга қонуний фаолият натижасида олинган ўз фойдаси ва бошқа маблағларини чет эл валютасида четга ўтказиш кафолатланади. Шу билан бирга, чет эллик инвесторларнинг Ўзбекистонда олган фойдаси республика худудида реинвестиция

қилиниши ёки мулк эгасининг хоҳишига кўра бошқача тарзда фойдаланилиши мумкин. Улар, шунингдек, ўз хисобварақларидағи миллий валютадаги маблағларидан ички валюта бозоридан чет эл валютасини сотиб олишда фойдаланиши мумкин.

Кейинги йиллардаги тадқиқотлар Ўзбекистоннинг ялпи инвестициялари хажмида аҳоли хиссаси ғоят паст бўлиб қолаётганлигини, бюджет орқали қайта тақсимланадиган ЯИМ хиссаси юқори эканлигини кўрсатади, бу эса инвестицияларни солиқлар воситасида рағбатлантириш йўқлигидан далолат беради. Шу муносабат билан инвестиция фаоллигини жонлантириш учун солиқка тортиладиган базани кенгайтириш, солиқ ставкаларини камайтириш, иқтисодий ва молиявий усувлар, шунингдек инвестиция фаолиятини тартибга солиш воситалари таъсирини кучайтириш талаб этилади.

Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотларни лицензия олмай экспорт қилиши ва Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун маҳсулотларни импорт қилиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикасига ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун ва чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар чет эллик ходимларининг шахсий эҳтиёжлари учун келтириладиган мол-мулк божхона божлари тўлашдан озод қилинган. Савдо-иқтисодий режимнинг умумий принципларини ва инвестициялар соҳасида ҳамкорликни тартибга соладиган халқаро шартномалар тизимининг шаклланаётганлиги муҳим омилга айланмоқда. Ўзбекистон жаҳондаги кўпгина етакчи мамлакатлар билан инвестицияларни рағбатлантириш ва ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида шартномаларни имзолаган.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан қуйидагилар таъминланади: инвестиция фаолиятининг миллий ва чет эллик субъектлари учун барча қулайликлар; чет эллик инвесторларнинг ҳукукларининг давлат кафолатлари, зарур ҳолларда қўшимча кафолатлар ва ҳимоя тадбирлари; миллийлаштиришдан, маблағлардан фойдаланиш кафолатлари; маблағларни

ўтказиш кафолатлари, инвестиция фаолияти тўхтатилиши муносабати билан чет эл инвестицияларини қайтариш кафолатлари; очик ахборотлардан эркин фойдаланиш.

Қонун хужжатларида чет эллик инвесторларга уларнинг давлат бошқарувининг ваколатли органлари билан тузадиган концессия шартномалари асосида табиий ресурсларни қидириш, фойдаланишга тайёрлаш ва фойдаланиш ҳамда бошқа хўжалик фаолиятини жорий қилиш учун концессиялар бериш назарда тутилган.

Мамлакатимиз қонун хужжатлари билан тақиқланмаган фаолиятнинг ҳамма соҳалари ва турлари бўйича концессия берилиши мумкин.

Инвестиция фаолиятини тартибга солища энг муҳим ва асосий муаммолардан бири чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни республика минтақалари бўйлаб бир текис жойлаштиришдир. Алоҳида диққат ва эътиборни жалб қиласидаги муаммо республика худуд ва туманларини ривожланишидаги нотекисликни қисқартириш масаласидир. Бу ТТЧИ ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни мамлакат минтақалари бўйлаб жойлаштиришга йўналтирилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қиласидир.

Чет эллик инвесторларнинг эътиборини жалб қилиш учун чет эл инвестицияларининг эҳтимоли бўлган оқимлари билан боғлиқ жами масалаларни ҳисобга оладиган, замонавий, рағбатлантирувчи қонун хужжатларидан ташқари олиб борилаётган молия сиёсатини такомиллаштириш ва миллий валюта мавқеини мустаҳкамлаш зарур бўлади. Чет эл инвестициялари республика иқтисодиётига жалб қилиш соҳаларини аниқлаш масалаларини ҳал қилишда қўшма корхоналар ташкил қилиш худудий мақсадли дастурини ишлаб чиқиш лозим. Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар ҳам ички, ҳам ташқи бозорни тўйинтириш, импорт ўрнини босувчи ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадларида ташкил қилиниши лозим. Бу эса чет эл инвестицияларининг келиш оқимини оширади. Чет эл капиталини жалб қилиш ва ундан фойдаланиш бўйича узоқ муддатли мақсадли республика дастурида чет эл технологиялари ва ускуналари билан биринчи навбатда жихозланиши лозим бўлган у ёки бу

тармоқларни белгилаш лозим. Бунда кўчмас мулк халқаро молия лизингини кенг ривожлантириш ҳисобига чет эл технологиясини жалб қилишни назарда тутиш мақсадга мувофиқдир.

Чет эл мулкини, чет эллик юридик ва жисмоний шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг қатъий кафолатлари, улар олган фойдани четга ўтказишни, инвестицияларни реинвестициялаш ва бошқаларни рўёбга чиқариш реал ижро механизмлари билан таъминланган бўлиши керак. Бу нарса зарур молия ресурслари ва технологияларни излаб топиш нуқтаи назаридан ҳам мухимдир. Фақат шу йўл билан иқтисодий ўсишга эришиш мумкин. Жаҳон амалиётининг кўрсатишича, ҳозирги шароитларда иқтисодий ўсиш учун фақат жамғариш ва инвестициялашнинг юқори суръатлари етарли эмас.

Шу билан бир қаторда иқтисодий ўсиш учун ТТЧИ ҳаракатидаги тенденцияларни ҳисобга олиш, инсон капиталига инвестициялар, технологиялар ва техника билимлари соҳаларини ривожлантириш, фан-техника ютуқлари самараларидан фойдаланиш ҳам талаб қилинади. Юқорида тилга олинган вазифаларни амалга ошириш учун қуийдагилар талаб қилинади: глобал билимларни эгаллаш ва уларга мослашиш, шунингдек маҳаллий даражада билимларни эгаллаш соҳаларини ривожлантириш; билимларни ўзлаштириш ва кўллаш имкониятларини кенгайтириш мақсадларида инсон капиталига инвестицияларни сафарбар этиш; жаҳон ютуқлари ва билимларини эгаллаш ҳамда ўзлаштиришга ёрдам берадиган технологияларга инвестицияларни йўналтириш.

Инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ишлаб чиқариш технологияларини, глобал билимларни олиш, солиқларнинг тартибга солиш ролини такомиллаштириш, рағбатлантирувчилик ролини кучайтиришга қаратилган бўлиши лозим. Бундаги асосий вазифа – чет эллик шерикларга капитал қўйишнинг самарали йўналишларини таклиф қилишдан, ўзаро манфаатли соҳаларни белгилашдан, улар ишончини қозонишдан, инвесторлар ҳуқуқлари кафолатлари ва уларни ҳимоя қилишнинг реал механизмларини амалга оширишдан иборат. Инвестиция мухити инвесторларнинг инвестиция рискларини баҳолаш асосида чет эл инвестициялари

кириб келишига қулайликлар яратиши керак. Чет эллик инвесторлар қабул қилувчи мамлакатдаги инвестиция муҳитини, унинг хавфсизлиги, сиёсий рисклар даражаси ва уларнинг сугурталаниши, инвестициялаш мақсадларига мувофиқлиги, иқтисодиётнинг бошқаларга қараганда қулайлиги нуқтаи назаридан баҳолайдилар. Мамлакатга хос риск даражаси (қарзлар масаласи, импорт ва экспорт баланси, ҳукуматнинг барқарорлиги ва бошқалар), маҳаллий шароитнинг қўшни мамлакатга нисбатан устун томонлари муҳим ўринда туради. Инвестицияларни рағбатлантириш тадбирлари (импорт хом ашёга божхона божларини бекор қилиш, корпоратив соликни қисман ёки бутунлай бекор қилиш, соликлар бўйича имтиёзлар), экспорт саноати районлари, эркин савдо зоналари, божхона божлари амал қилмайдиган зоналарнинг бўлиши ва бошқалар алоҳида аҳамиятга эга. Инвестиция сиёсати нисбатан катта бўлмаган ва ихчам корхоналар, янги ишлаб чиқаришларни ташкил этишга йўналтирилган бўлиши керак. Шундай қилиш керакки, истеъмолчи учун танлаш имконияти, ишлаб чиқарувчилар учун иқтисодий мусобақада ва инвестицияларнинг молиявий таъминланишида тенг шароитлар бўлсин.

Оммавий-ҳукуқий ва хусусий-ҳукуқий меъёрлардан фойдаланишга асосланган инвестиция фаолиятини тартиблаш усуллари миллий ва халқаро ҳукуқ тизимларини уйғунлаштирилиши асосида амалга оширилиши талаб этилади.

Тўлақонли бозорда инвестиция муносабатлари давлат томонидан ўрнатилган меъёр ва қоидалар доирасида муайян мулқдорларнинг хусусий манфаатларини тенг ва кафолатланган шартлар асосида амалга оширилишини таъминлайди. Халқаро инвестиция муносабатлари, ички мамлакат муносабатларидан фарқли ўлароқ айrim мамлакатлар, корпорациялар, компаниялар, молия ва кредит муассасалари ва муайян инвесторлар манфаатларини акс эттиради. Ўзбекистонга чет эл сармоялар оқими кенгайиши муносабати билан инвестиция фаолиятини давлат томонидан тартибга солишнинг асосий вазифаси оммавий ва хусусий манфаатлар, хорижий мамлакатлар, компаниялар, муайян инвесторлар манфаатларини самарали нисбатини белгилаш ҳисобланади. Иқтисодиёт эркинлаша боргани сари,

инвестиция фаолиятини давлат тартиблаши қўпроқ хусусий тадбиркорлик соҳиблари ва иқтисоднинг ара-лаш секторларини инвестиция фаолиятига кенгроқ жалб этилишига ва бу борада уларни рағбатлантиришга қаратилади.

Бозорга ўтиш даврида ва унинг тўлиқ қарор топишига қадар, бизнинг назаримизда, солиқ имтиёзларини жорий қилиш ва божхона божини камайтириш, иқтисодиётнинг меҳнатталаб секторларида чет эл инвестициялари жойлаштирилишини рағбатлантириш лозим, бу секторларни ривожлантириш эса айни пайтда аҳолини иш билан таъминлаш муаммосини ҳам ҳал қилиш имкониятини яратади. Инвестициялашда биринчи навбатда илмталаб, капиталталаб тармоқларга устуворлик бериш лозим. Чет эллик инвесторлар учун ҳар қандай кафолатлар ва имтиёзлар берилиши мумкин ва айни пайтда улардан мамлакатимиз фуқаролари саломатлиги ва атроф-муҳитга зиён етказмайдиган энг янги ва самарали технологиялар талаб қилмоқ зарур. Янги илғор технологияларни ишлаб чиқувчи ва истеъмолчиси бўлган қўшма корхоналарни имтиёзли солиққа тортиш, нафақат технологиялар экспортини кўпайтиради, балки янги ишлаб чиқариш кувватларини ишга тушириш ва мавжудларини техника билан қайта куроллантиришни ҳам таъминлайди. Шундай қилиб, бозорга ўтиш босқичида жамғармаларнинг етишмаслиги, ялпи инвестициялар ҳажмида аҳоли маблағлари ҳиссасининг пастлиги объектив зарурат – чет эл инвестицияларини жалб этишдан иборат бўлган инвестиция фаолиятини тартибга солишни юзага келтиради. Бу эса амалда бўлган қонун хужжатларни соддалаштириш ва барқарорлаштириш йўли билан такомиллаштиришни, шунингдек мамлакатга янги лойиҳалар учун тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари оқимларини рағбатлантиришни талаб қиласди. Рағбатлантириш механизмлари валютани қоплайдиган лойиҳаларни ва маҳаллий хом ашё ресурслари негизидаги лойиҳаларни амалга оширишга йўналтирилиши талаб этилади.

Республикада инвестиция фаолиятини тартибга солиш тизимида солиққа тортиш тизими суст ишга солинган, қўлланилаётган солиқ имтиёзларида халқаро солиқ протекционизми тажрибалари етарли даражада хисобга олинмаган эди.

ИТТКИ ва фан-техника ютуқларини жорий қилиш учун инвестиция солиқ кредити етарли даражада қўлланилмайди. Хусусий сектор инвестицияларини жалб қилишга ва ишлаб чиқариш инвестицияларини рағбатлантириш, истеъмол инвестицияларини камайтиришга йўналтирилган имтиёзлар ва преферен-циялар рўйхатини кенгайтириш талаб этилади.

Умуман, улар бўйича солиқ кредитлари, имтиёзлари ва рағбат омиллари иқтисодий субъектларнинг иқтисодий манфаатларини ҳисобга олиш ва капитал жамғарилишини рағбатлантириши лозим. Ставкалар миқдорини пасайтиришни, имтиёзлар турларини, солиқ кредитларини, тўловларни кечиктиришни кенгроқ кўллаш, қўшилган қийматни икки томонлама ва ундан кўп солиқقا тортишни бартараф этиш ва солиқ солинадиган базани кенгайтириш керак. Солиқ солинадиган фойдани қисқартиришнинг реал механизми бу “икки томонлама камайиб борувчи қолдик” кўринишидаги жадаллаштирилган амортизация усулинин жорий этиш ва ҳар бир алоҳида ҳолатда чет эллик инвесторларга қўшимча кафолатлар ва химоя чораларини таъминлашдир.

Мамлакат худудлари ривожланишидаги фарқларни қисқартириш алоҳида эътибор талаб қиласидиган масаладирки, бу ТТЧИни мамлакат минтақалари бўйлаб ёйиб жойлаштиришга қара-тилган рағбатлантирувчи тадбирларни талаб қиласди.

Ҳозирги даврда республикада муайян даражада чет эл капиталини қабул қилиш тизими шаклланган. Бунда чет эл капиталига нисбатан давлат сиёсатини ифода этадиган хуқуқий нормалар, қоидалар ва муассасалар мажмуи назарда тутилади. Чет эл капиталини қабул қилиш тизими инвестиция мухитининг таркибий қисмига киради ва айни пайтда мустақил ҳисобланади, чунки у бу тизимни ўзгартириш хусусиятига эга. Бу тизимнинг элементлари қуйидагилардан иборат: чет эл капитали учун солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши; фойдани бошқа иқтисодиётга ўтказишнинг қулай тартиби; миллийлаштиришдан кафолатлар; рўйхатдан ўтказишнинг оддий тартиб-қоидалари; концессиялар бериш; эркин иқтисодий зоналар барпо этиш; акциядорлик капиталида ҳиссани чеклаш;

мажбурий экспорт квотасини жорий қилиш; нархларни назорат қилиш; ташқи савдо операцияларини лицензиялаш ва бошқалар.

Рағбатлантирувчи солиқ имтиёзлари инсон капитали, техноло-гик ва техникавий билимлар соҳаси ривожлантирилишидаги инвестицияларни кенгайтирилишига қаратилиши зарур. Буларнинг барчаси Ўзбекистондаги инвестиция муҳитини моделлаштиришни талаб этади, бу билан хорижий инвесторлар сайд-харакатига таъсир этувчи омиллар ҳақида тадрижий тассавур олиш, чет эл инвестицияларини тартибга солиш воситаларини уйғунлаштириш имконларини беради. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 15 мартағи “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ишлаб чиқаришга илғор замонавий ускуналарни мунтазам киритиш асосида модернизациялашни таъминласа, янги жиҳозлар ишлаб чиқаришга жорий этилган пайтдан бошлаб куйидаги қўшимча имтиёзларга эга бўладилар:

- ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг обьектини тўлашга йўналтирилган маблағлар миқдорида уч йил мобайнида фойдадан олинадиган солиқ базаси тегишли ҳисбот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан камайтирилади;
- ишлаб чиқаришга жорий этилган янги технологик жиҳозлар беш йил муддатга мулк солиғидан озод этилади;
- солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланиладиган ишлаб чиқариш микрофирмалари ва кичик корхоналари учун беш йил давомида ягона солиқ тўлови тўлашда солиққа тортиладиган базани ҳарид қилинган янги технологик жиҳозлар қийматига teng, аммо солиққа тортиш базасининг 25 фоизидан кўп бўлмаган миқдорда камайтирган ҳолда солиқ имтиёзлари жорий этилади.

2.4. Саноат тармоқларини юқори технологиялар асосида ривожлантиришнинг инвестицион асосларини такомиллаштириш

Миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш борасидаги иқтисодий сиёсат халқаро миқёсда хорижий инвестицияларга нисбатан қабул қилинган тамойиллардан кенгроқ фойдаланиш, инвестиция фаолияти ва бизнес юритишга доир маъмурий талабларни имкон қадар енгиллаштириш ҳамда инвестициялашнинг устувор йўналишларини белгилаш нуқтаи назаридан келиб сиққан ҳолда шакллантирилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди. Маълумки, бизнинг шароитларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг миқёсда давлат бюджет орқали фискалъ воситалар ёрдамида рағбатлантириш имконияти чекланган. Шу боисдан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этишнинг устувор йўналишлари ва инвестицияларни рағбатлаштириш услублари, имтиёзларни бериш шартлари каби масалалар аниқ ва равshan ҳал қилинишини лозим. Рағбатлантирувчи чоралар имкони борича қонунчилик хужжатларига таяниши ва инвесторлар учун транспарент, яъни очиқ-ойдин бўлиши талаб этилади. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни рағбатлантириш сиёсати ўрта муддатларга мўлжалланган кенг иқтисодий ривожланиш сиёсати билан мувофиқлаштирилган ҳолда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши лозим. Бунинг натижасида узоқ муддатга мўлжалланган ички ва ташқи инвестицияларни кенгроқ жалб этиш учун зарур шарт-шароитнинг иқтисодий ва рағбатлантирувчи асосини янада кучайтиришга имконият яратилади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш соҳасидаги сиёсат халқаро миқёсда қабул қилинган бир қатор бош тамойилларга таяниши лозим. Бу йўналишдаги сиёсатнинг стратегик мақсади хорижий инвесторларга Ўзбекистон иқтисодиётига инвестиция киритиш учун қулай шарт-шароит таъминлайдиган миллий режим тақдим этишдан иборат бўлиши шарт. Бунинг учун кенг қўламли солиқ, инвестиция ҳамда корпоратив қонунчиликни ўзгартириш бўйича узоқ муддатли тайёргарлик

ишлари олиб борилиши керак. Бугунги кун шароитларидан ҳамда хўжалик фаолияти юритишининг амалиётидан келиб чиқсан ҳолда, хориждан узок муддатли маблағларни жалб этиш ҳам қонунлар ёрдамида, ҳам хукуматнинг муайян инвесторлар билан маҳсус битимлари доирасида яратиладиган аниқ имтиёзлар ва кафолатлари тизимидан фойдаланиши тақозо этишини таъкидлаш ўринли. 2019 йилда Давлат инвестиция дастури доирасида жалб қилинган хорижий инвестицияларни давлатлар кесимида тахлил қиласидаги бўлсак, бунда Хитойнинг улуши – 55,8%ни, Россия – 21,1 %, Жанубий Кореянинг улуши эса 4,8% ни ташкил этганини кўриш мумкин.

Халқаро миқёсда турли-туман имтиёзлар берилиши орқали хорижий инвестициялар учун рақобат кучайганлиги, шунингдек республикамиздаги инвестиция муҳитининг хусусиятларини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасида миллий режим тамойили хорижий инвесторлар учун имтиёз ва кафолатлар тизими билан тўлдирилиб бориши, мақсадга мувофиқ бўлади. Айни пайтда, бундай имтиёзларнинг қўлланиши муваққат чора сифатида баҳоланиб, уларни ишлатишнинг кўламлари аниқланиб олиниши лозим, деб ҳисоблаймиз. Келгусида бундай имтиёзлар босқичма-босқич бекор қилиниши мумкин.

Ўрта ва узок муддатли истиқболда халқаро амалиётда қабул қилинган хорижий инвестицияларни хукуқий тартибга солиш тамойилларига жиддий эътибор берилиши талаб этилади. Бу ерда, авваламбор, хорижий инвесторлар учун миллий иқтисодиёт жозибадорлигини оширишга қаратилган инвестицияларни амалга ошириш ва бизнес юритишини тартибга соладиган хукуқий – меъёрий асоснинг барқарорлиги ва транспарентлигини таъминлаш масаласи қўрилиши лозим. Халқаро амалиёт шундай далолат бермоқдаки, конунчиликдаги тез-тез юз берадиган ўзгаришлар, конунлар ва норматив ҳужжатлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар ва улардаги қоидаларнинг турлича талқин этилиши ва шу каби бошқа салбий ҳолатлар хорижий инвесторларни жалб қилишда тўсиқ бўлиб турувчи омиллардан бири

хисобланади. Транспарентлик тамойили хорижий инвесторлар фаолиятини тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар очик-оидин ва турли хил талқинларга имкон қолдирмайдиган бўлиши, бу меъёрларни қайта кўриб чиқиш жараёнлари ҳам очик-оидин ва манфаатдор томонлар, шу жумладан хорижий инвесторлар муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўз нуқтаи назарини баён эта олиш имконини таъминлайдиган шароитда ўтказилиши талаб этади.

2011-2019 йилларда асосий воситаларга инвестиция ҳажми ўрта хисобда 108,3%; 111,6%; 109,8 ва ЯИМ ўсиш суръатлари эса таъкидланган йилларда эса ўрта хисобда 108,0 % ва ундан юқори кўрсаткични ташкил этмоқда. Чунончи, охирги 5 йилда мамлакат иқтисодиётида иқтисодий ўсишни 8,0%дан юқори кўрсаткични ташкил этишида асосий омил бўлиб, асосий воситаларга киритилаётган инвестициялар ҳажмини йилдан-йилга ортиб бориши ва техник-технологик жихатдан ишлаб чиқаришни янгиланиши хисобланади.

Қишлоқ хўжалигига фермер ва дехқонларнинг манфаатдорлигини ошириш борасидаги ўрганиш ва изланишларимиз давом этмоқда. Соҳага илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилмоқда. Тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратишга барча имкониятларимизни сафарбар этяпмиз. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлиётган оилаларга 5,9 триллион сўм кредитлар ажратилди. Янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилди. Натижада расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди. Кўшилган қиймат солиги ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг хисобидан ўтган йили солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолди. Жорий йилда бу рақам 11 триллион сўмни ташкил этиши кутилмоқда. Бир йилда тадбиркорлар ихтиёрида шунча маблағ қолиши, албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун жуда катта қўшимча имкониятлар яратади. Ислоҳотларимиз натижасида ўтган йили 93

мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар қўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди. Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик³².

2019 йил давомида фаол инвестиция сиёсати, ишлаб чиқариш инфраструктураси ва саноат тармоқларини техник модернизация ишларини амалга ошириш натижасида янги юқори технологик тармоқларни барпо этиш имконини яратди. Бинобарин, 2019 йилда жами 27 млрд 121,9 млн сўмлик жами капитал қўйилмалар, 1,30 млрд сўмлик бюджет маблағлари, 8 млрд 150,7 млн сўмлик корхоналарнинг ўз маблағлари хамда 4 млрд 563,2 млн сўмлик тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар сарфланган. Ушбу кўрсаткич 2012 йилга нисбатан ўртacha 22 % га юқоридир.

2016-2019 йилларда капитал қўйилмаларнинг таркибий тузилмасини тахлилидан шу маълум бўлдики, маблағларнинг 57,8 %и янги қурилишга, 2019 йилда 28,9 % маблағлар ишлаб чиқариши кенгайтириш, реконструкция ва модернизация қилишга (2016 йилда-25,7%) ва 13,3 % маблағлар (2016 йилда - 16,5%) бошқа соҳаларни ривожлантиришга йўналтирилган.

2016-2019 йилларда капитал қўйилмаларнинг технологик тузилмасини тахлилидан шуни хулоса қилиш мумкинки, 2019 йилда капитал қўйилмаларнинг 36,5 % (2016 йилда-35,1%)и машина, ускуна ва инвентарлар харид қилишга, 53,9% (2016 йилда-53,2%)и қурилиш монтаж ишларини амалга оширишга ва 9,6 % (2016 йилда-11,7%)и бошқа харажатлар ташкил этади.

Мавжуд қонунчилик хужжатларида хорижий инвесторларнинг ривожланаётган иқтисодиётларга хос бўлган баъзи таваккалчилик турлари билан боғлиқ йўқотишлари ўрнини қоплашга оид кафолатлар

³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Олий Мажлисга мурожаатномаси://xabar.uz.

келтирилмаган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Чет эллик инвесторлар ҳукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида”ги қонунида чет эллик инвесторлар учун инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаштиришга олиб келувчи ҳолатлар келтирилган бўлиб, улар янги қонунларни қабул қилиниши, қонун хужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши кабилар билан чекланади. Бундан ташқари, инвестициялаш шарт-шароитларини ёмонлаш-тиришга олиб келувчи ҳолатлар юзага келганда, чет эллик инвесторлар заарларини қоплаш ёки компенсация қилиш масалалари аниқлаштирилмаган.

Айни вақтда, мамлакат миқёсида жами фаолият юритаётган хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар сони 5446 тани ташкил этади. Тошкент шахрида 3056 та, Тошкент вилоятида 398 та, Самарқанд – 168 , Фарғона – 87 ва Сирдарё вилоятида эса 56 та хорижий сармоялар иштирокидаги корхоналар фаолият юритмоқда.

Бизнинг фикримизча, инвестиция қилиш ва хўжалик фаолиятини юритишига доир қонунчиликни такомиллаштиришда қуйидаги жиҳатларга эътибор бериш лозим:

- миллий иқтисодиётда тўлов балансини тартибга солиш билан боғлиқ ҳолатлар вужудга келганда, хорижий инвесторлар учун даромад ва капитални қийинчиликларсиз олиб чиқиб кетиш имкониятини берувчи кафолатлар яратиш;
- Ўзбекистон Республикасининг бошқа мамлакатлар билан икки томонлама инвестицияларни рағбатлантириш ва инвесторларнинг даромадларини икки қайта солиққа тортишнинг олдини олишга қаратилган битимлар сонини қўпайтириш.

Шу билан бирга халқаро иқтисодий интеграция жараёнлари жадаллашиб боргани сайин Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) келишувларининг айрим жиҳатларига алоҳида эътибор берилиши лозим. Шу ўринда, ЖСТнинг савдо билан боғлиқ инвестиция чоралари (Trade related

investment measures) билан боғлиқ талабларнинг қўлланишини синчиклаб таҳлил этиш талаб этилади. Мазкур талаблар доирасида ЖСТга аъзо мамлакатлардан қўйидаги савдо билан боғлиқ инвестиция чораларидан фойдаланишига чекланишлар мавжуд:

1.Чет эл инвестициялари иштирокидаги компаниялардан маҳаллий бозорда ишлаб чиқарилган товар ва хизматларни маълум бир белгиланган ҳажмда сотиб олиш ёки фойдаланишни талаб этиш;

2.Хўжалик юритиш мақсадида товар ва хизматларни импорт қилиш масаласини чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларнинг ўз маҳсулотини маълум бир белгиланган ҳажм ва қийматда экспорт қилиш зарурати билан боғлаш талаби;

3.Хўжалик юритиш мақсадида товар ва хизматларни импорт қилиш масаласини чет эл инвестициялари иштирокидаги компанияларнинг ўз маҳсулотини экспорт қилишдан келиб тушган хорижий валюта тушумлари ҳажмига боғлаш талаби.

Мазкур талаблар айримлари турли кўринишларда у ёки бу қонунчилик ва норматив ҳужжатларда ўз аксини топганлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ҳукумати келажақда ЖСТга аъзолигини кўзлаб олиб борадиган музокараларда мазкур масалалар юзасидан ўзининг аниқ ва равshan позициясини белгилаб олиши лозим. Бошқа мамлакатлар тажрибасига асосланган ҳолда таъкидлаш ўринлики, савдо билан боғлиқ чекловчи инвестиция чораларини қўллаш мuddатини 10 йил давомидаги ўтиш даври мобайнида босқичма-босқич бекор қилишга келишиш, мақбул йўл бўлар эди.

Миллий иқтисодиётга катта ҳажмдаги инвестициялар жалб этишининг зарур шартларидан бири инвестиция ва тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи тегишли ҳуқуқий меъёрларнинг амалиётда самарали ишлашини таъминлашдан иборат. Ушбу масала авваламбор чет эл инвесторлари учун хўжалик фаолияти бўйича ҳамкорлари, кредиторлар, бошқарув идоралари ва

бошқа томонлар билан бизнес юритиш давомида юзага келиши мумкин бўлган турли мунозарали ҳолатлар ва келишмовчиликларни ҳал этишнинг ҳолисона ва самарали суд амалиётидан фойдаланишга оид муайян кафолатлар берилишини талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги чет эл инвесторлари ҳукуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг кенг имкониятларини беради. Хусусан, «Чет эл инвесторлар ҳукуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуннинг 10-моддасига биноан чет эллик инвестор иштирокидаги баҳслар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик суди томонидан ёки ҳалқаро шартномаларнинг (битим ва конвенциялар) қоида ва амалиётларига биноан арбитраж ҳакамлигига ҳал этилади. Шунингдек, инвестицияга оид низоларни ҳал этишда икки тараф ўзаро келишувга кўра бундай низони қўриб чиқувчи орган ва ҳакамлик судловини амалга оширувчи мамлакатни ўzlари аниқлашлари мумкин. Бу албатта чет эл инвесторлари учун мақбул ва қулай йўл хисобланади, лекин ўз навбатида маҳаллий ҳамкорлар низоларни ҳал этишнинг бундай усули сезиларли миқдордаги молиявий маблағларни сарфлашни талаб этади. Шунга қарамасдан, зарур ҳолларда Ўзбекистон Республикасида юзага келган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни амалга ошириш билан боғлиқ низоларни ҳал қилиш учун ҳалқаро арбитраждан фойдаланиш имкониятини кўриб чиқиши, мақсадга мувофиқ хисобланади. Бундай чора чет эл инвесторларининг ишончини оширишга хизмат қиласи. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган чет эл инвесторлари иштирокидаги келишмовчиликларни ҳал этишнинг ҳукуқий асосларини ва уларни қўллашнинг амалий механизmlарини янада такомиллаштириш лозим. Бунинг учун хўжалик судларида чет эл инвестициялари билан боғлиқ ишларни кўриб чиқиши механизмини такомиллаштириш, шунингдек, ҳакамлик судлари фаолиятини ривожлантириш лозим бўлади.

Халқаро тажриба шуни кўрсатмоқдаки, чет эл инвестицияларини жалб этиш ва улардан миллий иқтисодиётни ривожланиш мақсадларида кенгроқ фойдаланишда эркин иқтисодий худудларни яратиш қўл келиши мумкин. Бугунги кунда кўпгина ривожланаётган мамлакатларда бундай худудлар зиммасига экспорт қилинаётган қайта ишлаш саноати маҳсулотларининг каттагина қисми тўғри келади. Шу билан бирга, бундай чора – тадбирлар самарадорлиги бошқа соҳалардаги ишлар, жумладан, экспортга маҳсулот чиқаришга ихтисослашган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этиш ва улар сифатини ошириш учун зарур инфратузилма яратиш билан чамбарчас боғлиқдир. Бундай худудлар Хитой, Ҳиндистон, Бангладеш, Малайзия, Филиппин ва Сингапур каби Осиёning қўплаб ривожланаётган давлатларида муваффақиятли фаолият кўрсатишмоқда.

Иқтисодий рағбатлантириш чораларини, айниқса ЭИХ нуқтаи назаридан қўллаш масаласи кўриб чиқилганида, уларнинг самарадорлиги билан бир қаторда халқаро меъёрий базага, яъни ЖСТ қоидаларига мувофиқлигини ҳам инобатга олишимиз лозим. Бу жиҳатдан экспорт субсидияларининг ўрни алоҳида эътиборга молик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 марта ПФ-3860 сонли “Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонига кўра: 3 йил мобайнида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашга, ушбу мақсадлар учун берилган кредитларни қайтаришга, лизинг обьекти қийматини тўлашга йўналтирилган маблағлар микдорида, тегишли ҳисбот даври учун ҳисобланган амортизация маблағларидан фойдаланиш шарти билан, фойдадан олинадиган солиқ базасини камайтириш хуқуки берилди.

Миллий иқтисодиётнинг нисбий рақобатбардошликка эга бўлган соҳалари ва минтақаларида инвестицион фаолиятни рағбатлантириш чоралари қаторида худудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратишга ҳам

эътибор берилиши лозим. Бундай мажмуалар бир хил ёки ўхшаш фаолият билан шуғулланадиган компанияларнинг саъй – ҳаракатлари натижасида ўз ҳолича шакланиши мумкин бўлса ҳам, уларни хукуматнинг стратегик аралашуви билан яратиш ушбу жараённи тезлаштириши мумкин. Бизнинг фикримизча, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишга асосланган мажмуаларни яратиш йўлида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор бериш лозим. Улардан биринчиси – инвестицион ва тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш жараёни билан боғлиқ. Давлат бошқарув идоралари томонидан рақобат муҳитида фаолият юритувчи турли тармоқлар учун қулай инвестицион ва бизнес юритиш яратиш мақсадида уларнинг асосий талабларини аниқлаб олиш ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини яратиш ва уларнинг самарали фаолият юритишини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Ушбу мураккаб жараённинг иккинчи жиҳати ташкилий масалалар билан боғлиқдир. Инвестицияларни маълум бир ҳудудда жойлашувини нисбий рақобатбардошликка эга бўлган соҳаларда ЭИХ, саноат ва илмий-техника паркларини барпо этиш ҳисобига рағбатлантириш мумкин.

Шу билан бирга республикамиз ҳудудларига хорижий инвестицияларни жалб қилишда бир неча муаммолар мавжудки, уларнинг ечими инвестициялар самарадорлигини оширишга хизмат қиласи, яъни:

-инвестиция инфратузилмасининг етарли даражада ривожланмаганлиги – банклар, инвестиция фондлари, суғурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

- тадбиркорларнинг бизнес-кўнимлари, шу жумладан инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва хуқуқий билимлари етарли даражада эмаслиги – ҳудудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат қўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини такомиллаштириш;

- инвестиция таклифлари ва лойиха техник-иктисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги – ташаббускорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқишида тижорат банклари, ҳудудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа мутасадди идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий ҳокимликлар томонидан мувофиқлаштириш ва доимий назоратга олиш;
- лойиха ташаббускорларининг молиявий-иктисодий ахволининг ночорлиги – инвестиция дастурлари ва ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантириш бўйича дастурларга киритиш таклиф этилаётган лойиҳалар ташаббускорларининг молиявий-иктисодий ахволини маҳаллий ҳокимликлар ва тижорат банклари томонидан чуқур таҳлил қилиниши;
- маҳаллий ҳокимликларнинг хорижий инвесторларни ҳудуд тўғрисида батафсил маълумотлар билан таъминлашда фаол иштирок этмаётганлиги – хорижий инвесторларни тўлақонли равишда ахборот (инвестиция лойиҳалари ва бизнес таклифлар базаси, ҳудудий матбуот нашрлари, иктисодий таҳлил, хом-ашё ва меҳнат салоҳияти тўғрисида маълумотлар) билан таъминлаш учун ҳар бир ҳудуд бўйича «Вилоят инвестиция салоҳияти» вэб-порталини ташкил этиш, шунингдек инвестиция фаолиятига оид конференциялар, семинарлар ва тақдимотлар (республика ҳудудида ва хорижий мамлакатларда) ўтказиш.

Бундан ташқари мамлакатимизда айрим корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни экспорт қилишда хам муаммолар мавжуд, яъни;

- хом-ашё сотиб олишга айланма маблағларнинг етишмаслиги – корхонанинг молиявий-иктисодий ахволини ўрганиб чиқиб, уни молиявий соғломлаштириш, қарзларини реструктуризация қилиш бўйича мувофиқлаштириш ишларини олиб бориш орқали 2009 йил экспорт истиқболини бажаришга амалий ёрдам кўрсатиш;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналарда хом ашёнинг етишмаслиги (помидор, ўрик ва б.) - ишлаб чиқариш қувватларини

оқилона жойлаштириш ва хом-ашё базаси билан боғлиқ масалаларни лойиха ташаббускорлари билан бирга ишлаб чиқиш; инфратузилмага оид муаммолар, жумладан корхоналарнинг электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи-мой маҳсулотлари билан таъминлашда узилишлар мавжудлиги – экспортер корхоналарни узлуксиз равишда электр энергия, табиий газ, сув ва ёқилғи-мой маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича чоратадбирлар ишлаб чиқиш ва назоратга олиш;

-технология ва асбоб-ускуналарнинг эскирганлиги, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг халқаро стандартларга жавоб бермаслиги ва рақобатбардош эмаслиги – технологик асбоб-ускуналарни замон талабларига келтириш мақсадида хўжалик субъектлари вакилларининг халқаро кўргазма-савдоларда иштирок этишини таъминлаш, тежамкор технологияларни танлаш ва уларни молиялаштириш манбаларини аниқлаш;

-корхоналарда маркетинг хизматининг тўғри ташкил қилинмаганлиги, товар ишлаб чиқарувчиларнинг чет эл бозорлари, ишлаб чиқарувчилари ва харидорлари тўғрисидаги маълумотлар билан таъминланмаганлиги, корхоналарда маркетинг билан шуғулланувчи ходимлар билимининг етарли даражада эмаслиги - кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳияти, маркетинг ва маҳсулотларни сотишга бағищланган ўқув машғулотлари, семинарлар ва кўргазмаларни ташкил этишни йўлга қўйиш лозим.

Шу билан бирга мамлакатимизда ички инвестицияларни жалб қилишда хам бир неча муаммолар борки, уларнинг ўз вақтида ечиш инвестициялар самардорлигини оширишга хизмат қиласи, яъни:

-Инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда кредит учун гаров предметининг етарли бўлмаслиги, кредит таъминотини расмийлаштириш жараёнларининг мураккаблиги;

-Инвестицион лойиҳа (маҳсулотлар бозори) бўйича маркетинг тадқиқотларининг чукур олиб борилмаслиги ва бу лойиҳанинг келгусидаги

пул оқимлари ҳаракатининг барқарорлигига ҳамда кредитни қайтариш манбасининг ишончлилигига салбий таъсир этиши;

-Инвестицион лойиҳалар ташаббускорлари дуч келаётган асосий муаммолардан бири - молиялаштиришнинг муқобил усулларидан (лизинг кредити) суст фойдаланиши, лизингнинг мазмун-моҳиятини чуқур англағетмаслиги;

-Инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида кўзланган даромаднинг (loyixa bўйича пул киримлари) ўз вақтида келиб тушмаслик рискининг мавжудлиги ва бундай рискларнинг омиллари ишлаб чиқариш жараёни ва маҳсулотни сотиш билан, харидолар билан ўзаро ҳисоб-китоблар билан, бозор конъюнктурасининг ўзгариши ёки мавсумий тебранишлар билан боғлиқ бўлиши;

-Тижорат банкларининг кредит-молия муассасаларига хос бўлмаган вазифаларни бажариши. Кўп ҳолларда банклар назорат қилувчи ва кузатувчи органлар сифатида ҳаракат қилмоқда ва бу ҳол инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг банк тизими билан муносабатига салбий (банкка бўлган ишончи йўқолишига олиб келиши) таъсир кўрсатади;

-Инвестицион лойиҳалар ташаббускорларининг (қарз оловчи корхоналарнинг) кредитга қобиллигини баҳолаш ишларининг, айрим ҳолатларда, холисона ўтказилмаслиги;

-Инвестицион лойиҳаларнинг техник-иқтисодий асосномасини сифатсиз тайёрланиши ва хоказо.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун:

1. Тижорат тузилмаларини кафолатга бўлган талабини таъминлаш мақсадида кафолат-гаров жамғармалари тизимини шакллантириш;
2. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш учун қўшимча молиявий манбаларни жалб қилиш мақсадида МСГларини ташкил этишни жадаллаштириш;

- 3.Аҳоли бўш пул маблағларини инвестицион жараёнларга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш, турли қимматли қоғозларни муомалага чиқариш (масалан, уй-жой сертификатлари ва уй-жой облигациялари);
- 4.Ишлаб чиқаришни тузилмавий-технологик қайта қуришни жадаллаштириш мақсадида марказлашган кредит ресурсларнинг бир қисмини тез қопладиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришга қаратиш, шу жумладан кичик бизнес объектларига йўналтириш;
- 5.Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг муқобил усули бўлган лизингдан фойдаланишни кенгайтириш;
- 6.Инвестицион лойиҳаларни сифатини ошириш, лойиҳаларни капитал қўйилмалар самарадорлиги талабларига мос келиши мақсадида тижорат асосида доимий равища фаолият юритадиган инвестицион лойиҳалар қўргазмасини ташкил қилиш ва х.к.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

БМИни бажаришда қуидаги илмий хулоса ва натижалар қилинди:

-Инвестициялар (капитал қўйилмалар) — миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминлашга йўналтирилган моддий, меҳнат ва пул ресурслари харажатлари йигиндисидан иборат.

-Инвестициялар замонавий техника ва технологиялар билан куролланиш, илмий-техник, ишлаб чиқариш ва ақлий имкониятларини тиклашнинг асосий воситадир. Айнан хорижий инвестициялар орқали миллий иқтисодиёт жонланиб, ишлаб чиқариш замонавий, рақобатдошлар товарлар ишлаб чиқаришга ихтисослашиб боради. Бу эса, ўз навбатида янги иш ўринларининг ташкил этилиши ва мамлакатдаги мавжуд иқтисодий ва ижтимоий муаммоларнинг ҳал бўлишига олиб келади.

- Инвестициялар ёрдамида қуидаги вазифаларни ҳал этиш мумкин. Биринчидан, инвестиция ички бозорда харидоргир бўлган, импорт товарлари ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган янги корхоналар қуриш, янги иш ўринларини яратиш имконини беради. Иккинчидан, мамлакатда фаолият кўрсатаётган корхоналарнинг ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириб, уларнинг хусусий капитал миқдорини оширади. Учинчидан, миллий иқтисодиётда технологик янгиланиш юз беради, корхоналарга янги техника ва замонавий ускуналар ўрнатилади. Натижада жаҳон бозорида рақобатлаша оладиган миллий маҳсулотлар ишлаб чиқарила бошлайди. Тўртинчидан, миллий ишлаб чиқарувчилар томонидан кредит маблағлари ҳисобидан истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилади. Бешинчидан, миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви амалга ошади. Демак, инвестициялар, хоҳ у макро (миллий иқтисодиёт) даражасида, хоҳ микро (корхоналар миқёсида) даражада бўлсин, иқтисодий ўсишни таъминловчи муҳим омил экан.

- Ўзбекистонда хорижий инвесторларни жалб этиш учун қуидаги шартшароитлар мавжуд, яъни сиёсий барқарорлик; хусусий мулк ва рақобатни ҳимоялайдиган қонунчилик базасининг шакллан-гани; инвестиция жараёнини кўллаб-қувватлайдиган инфратузилманинг барпо этилгани; мамлакатнинг қулай географик жойлашуви; агросаноат секторини ривожлантириш салоҳиятининг юқорилиги ва мамлакатнинг минералхомашё ресурсларига бойлиги; юқори малакага эга меҳнат ресурсларининг мавжудлиги; савдо учун ички бозор ҳажмининг етарли даражада кенглиги.

-Хорижий инвестициялар - бу чет эл инвесторлари томонидан юқори даражада даромад олиш, самарага эришиш мақсадида мутлақ бошқа давлат иқтисодиётининг, тадбиркорлик ва бошқа фаолиятларига сафарбар этадиган барча мулкий, молиявий, интеллектуал бойликлардир. Хорижий инвестициялар қўшма корхоналар ташкил этиш, хорижий инвесторларга тўлиқ тегишли бўлган корхоналарни яратиш, хусусийлаштиришда қатнашиш, хорижий шериклар билан банк тузиш, қимматли қофозларни сотиб олиши, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлишда, эркин иқтисодий ҳудудларда фаолият олиб боришда жуда катта ва муҳим аҳамиятга эгадир.

-Жаҳон тажрибаси шуни қўрсатадики, мамлакат иқтисодиётида хорижий инвестицияларнинг тутган ўрни, салмоғи мазкур давлатдаги инвестицион муҳитнинг қанчалик қулайлигини белгилайди. Бу муҳит кўп жихатдан хорижий инвестицияларга нисбатан давлат олиб бораётган сиёсатини ва ташқи иқтисодий фаолиятининг давлат томонидан тартибга солишининг хусусиятлари билан баҳоланади.

-Инвестиция дастурларида муайян даврда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, уларнинг бажарилиш босқичлари ва сарфланиши кўзда тутилган маблағлар қиймати ҳудудлар ва тармоқлар бўйича акс эттирилади. Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб,

унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган бўлади.

- 2020 йилда 23 миллиард долларлик инвестициялар ўзлаштирилади ҳамда 206 та янги йирик қувватлар ишга туширилади. Жумладан, Шўртан газ-кимё комплексида синтетик суюқ ёқилғи, “Навоийазот” акциядорлик жамиятида азот кислотаси, аммиак ва карбамид ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилади. Тошкент металлургия заводи, Тошкент метросининг Сирғали тармоғи, ер усти ҳалқа йўлининг биринчи босқичи ишга туширилади. 2020 йилда ўзлаштириладиган инвестицияларнинг салмоқли қисми, тўғридан-тўғри хорижий сармоялар ва кредитларга тўғри келади. Инвесторларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш, инфратузилма яратиш харажатларини қисман давлат томонидан қоплаш механизмлари жорий этилмоқда. Шунингдек, фойда солигини ҳисоблашда, янги технологик ускуналар харид қилиш, янги обьектларни қуриш ва модернизация қилиш харажатлари бўйича чегирмалар кенгайтирилди.

-Инвестиция сиёсати давлатнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш борасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолиятининг энг муҳим доимий воситаларидан бири ҳисобланиб, қўйилган мақсадларга эришиш ҳамда иқтисодий сиёсатнинг қисқа муддатли ва узоқ истиқбол учун белгиланган вазифаларини бажаришга хизмат қиласи.

- Миллий иқтисодиётга инвестициялар ҳажмини ички инвестициялар асосида қўпайтириш учун қуйидаги ишларни амалга ошириш лозим: жамғармаларни инвестицияга айлантириш билан боғлиқ мавжуд механизмни такомиллаштириш; тижорат банклари томонидан аҳоли қўлида мавжуд пул ресурсларини, хоҳ у миллий, хоҳ хорижий валютада бўлсин, жалб қилиш ва уларни тадбиркорлик субъектларига кредит маблағлари сифатида бериш; аҳоли қўлида йигилган пул маблағларини «Тошкент» фонд биржаси орқали ин-вестиция жараёнига жалб қилиш ва ҳоказо.

-Мамлакатимиз иқтисодиётига хорижий инвестицияларнинг жалб этилиши унинг иқтисодий имкониятларининг кенгайишини тезлаштириб, барча соҳаларда ички имконият ва резервларни ишга солиш, янги техника ва технологияни, экспортбоп товарларни ўзлаштириш, уларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали давлатимиз иқтисодий қудратини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга инвестицияларни жалб қилиш борасида қатор муаммолар ва камчиликлар мавжуд:

-инвестиция инфратузилмасининг ривожланмаганлиги-банклар, инвестиция фондлари, сугурта ва лизинг компаниялари фаолиятини рағбатлантириш ва инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда уларнинг иштирокини самарали йўлга қўйиш;

-тадбиркорларнинг бизнес-кўнимлари, шу жумладан, инвестиция лойиҳалари билан ишлаш тажрибаси ва хуқуқий билимларининг етарли эмаслиги-худудларда консалтинг, маркетинг ва юридик хизмат кўрсатувчи марказлар ташкил этиш ва фаолиятини ривожлантириш;

-инвестиция таклифлари ва лойиҳа техник-иқтисодий асосларининг белгиланган талабларга жавоб бермаслиги-тадбиркорларга инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиша тижорат банклари, худудлардаги савдо-саноат палатаси ва бошқа масъул идоралар томонидан амалий ёрдам кўрсатилишини маҳаллий хокимликлар томонидан ташкил этиш ва доимий назоратга олиш;

-мамлакатнинг айrim худудларида инфратузилманинг ривожланмаганлиги;

- мамлакат инвестицион муҳитининг баҳолашда инвестиция муҳитини баҳолаш агентликларини мавжуд эмаслиги, ушбу соҳада малакали кадрларни мавжуд эмаслиги;

- ТТХИни асосан табиий ресурслар қазиб олиш билан боғлиқ бўлган нефть-газ ва нефть-кимё саноатига қаратилганлиги, яъни машинасозлик ва электротехника, фармацевтика, қурилиш материаллари каби саноат тармоқларига киритилаётган инвестицияларнинг улуши камлиги.

- ривожланган ҳудудларга ннисбатан суст ривожланган ҳудудларга бўлган хорижий капитал қўйилмаларнинг камлиги; инвестицияларнинг ҳудудий бир ёқламалик хусусиятини олдини олиш мақсадида, вилоятларни ривожланганлик даражаси бўйича уч гурухга бўлиб, суст ривожланган минтақаларга инвесторлар учун кўпроқ манфаатдорлик, мойиллик яратиш.

Инвестиция самарадорлигини оширишга қаратилган қўйидаги илмий тавсия ва амалий таклифлар амалга оширилиши зарур деб ҳисоблаймиз:

Инвестиция муҳитини яхшилашда қўйидаги чора – тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувоқдир:

- 1.Хорижий инвестициялрни жалб қилиш ва тартибга солишда қонун ва меъёрий хужжатларни таомиллаштириш;
2. Мамлакатдаги ва корхоналар даоажасидаги кадрлар салоҳиятини ошириш;
3. Ички бозорда ўз фаолиятини олиб бораётган миллий корхоналарни аниқ ахборот билан таъминланишини яхшилаш;
4. Яширин иқтисодиёт улушини камайтириш ва фаолият юритаётган хўжалик субъектларни легаллаштириш;
- 5.Мамлакатдаги ривожланиш даражаси пастроқ бўлган минтақаларга молиявий маблағлар ажратиш;
- 6.Ўзбекистон Республикасида Инвестицион лойиҳаларни баҳолаш мақсадида инвестицион агентликларни ташкил этиш.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этилиши иқтисодиёт мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чукур ўйланган ва узок истиқболга мўлжалланган ишларни йўлга қўйиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва натижада мамлакат аҳолисининг турмуш даражисини кўтарилиши ва даромадларини ошишига олиб келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси конституцияси. “Ўзбекистон” НМИУ, 2018й.
2. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Чет эллик инвесторлар хуқуқларининг кафолатлари ва уларни химоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонуни;
3. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «Инвестицион фаолият тўғрисида»ги қонуни;

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонлари ва Қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 30 ноябрда қабул қилинган “Чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарга берилаётган қўшимча рағбат ва имтиёзлар тўғрисидаги” ПФ-1652 сонли Фармони;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 26 августда қабул қилинган “Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-1831 сонли Фармони;

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 февралда қабул қилинган “Хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни амалга ошириш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-1924-сонли Фармони;

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3594 сонли фармони;

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 12 июлда қабул қилинган ПҚ 670 - сонли қарори;

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 10 апрель куни “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рафбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4434-сонли Фармони;

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 7 апрелдаги “Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик мухитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони;

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2003 йил 2 майда қабул қилинган “Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни хуқуқий ҳимоя қилишни кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 205-сонли қарори;

9. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 2004 йил 9 февралда қабул қилинган “Устувор инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги 58-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармокларининг иштироқини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон.

11. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1.Мирзиёев Ш.М. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, халқимиз учун тинч ва осойишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти

2. Мирзиёев Ш.М. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузаси. – Тошкент. –2016. Манба: <http://press-servis.uz>

3.Мирзиёев Ш.М. “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак”. –Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

4.Мирзиёев Ш.М.Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. Нью Йорк, 2017 йил 19 сентябрь // Халқ сўзи, 2017 йил 20 сентябрь. № 189 (6883).

5.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалиги ходимлари кунига бағишлиланган тантанали маросимдаги нутқи.2017 йил 9 декабрь. Манба: <http://press-servis.uz>

6.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.2017 йил 22 декабрь. Манба: <http://press-servis.uz>

7.Мирзиёев Ш.М. Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимдаги маърузаси. 2018 йил 7 декабрь. Манба: <http://press-servis.uz>

8.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис га Мурожаатномаси.2018 йил 28 декабрь. Манба: <http://press-servis.uz>

9.Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлис га Мурожаатномаси. 2020 йил 24 январь. Манба: <http://press-servis.uz>

IV. Асосий адабиётлар, журнал ва газеталарда чоп этилган мақолалар

1. Вахабов А., Ўлмасов А., Иқтисодиёт назарияси. - Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 480 б;
2. Кузиева Н. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар молия ва кредит механизмини такомиллаштириш йўллари. Т.: 2006. 296 б.
3. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х., Муминов Н.Г. Хорижий инвестициялар. - Т.: “Молия”, 2010. - 328 б;
4. Вахабов А.В., Хажибакиев Ш.Х. Иностраные инвестиции и модернизация национальной экономики. Учебное пособие. Т.: 2011. – 224 б.
5. Сатторов Б. Микромолия бозорининг ривожи йўлида // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2011. - №1, 54 б;
6. Сайдалиев С. Минтаقا иқтисодиёти ва инвестицион муҳитини шакллантирувчи омиллар // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2011.- №3, 33 б;
7. Мадумаров Ш. Хорижий инвестицияларни жалб этиш омиллари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - №5, 25 б;
8. Надырханов У. Новые формы транснациональных инвестиций // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - №5, 21 б;
9. Надырханов У. Теории прямых иностранных инвестиций и возможности их применения в Республике Узбекистан// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - №7, 22 б;
- 10.Хамраева Д. Инвестиции в перспективные проекты Узбекистана // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - №7, 29 б;
- 11.Остонов М. Роль банков в повышении инвестиционной привлекательности объектов приватизации // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2010. - №7, 26 б;
- 12.Тухтарова Е.Макроэкономическая стабильность – залог роста инвестиционной активности // Бозор, пул ва кредит.–Тошкент,2010. №7, 33 б;
- 13.Шохмансур Шохаъзамий. Государственная инвестиционная политика Узбекистана // Рынок деньги и кредит, №4. 2012г;

- 14.Федяшева Г. Развитие инновационного потенциала Узбекистана в условиях модернизации экономики. // Рынок деньги и кредит, №08. 2011г;
- 15.Муминов Э.Инвестиционная активность и инновационное развитие национальной экономики// Рынок деньги и кредит, №9. 2011г;
- 16.Абдуллаев А. Имтиёзли кредитлаш жамғармасининг банк ривожидаги роли// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2012. №6, 8-9 б;
- 17.Ниязов Ф.Интеллектуальная собственность как новый вид экономического ресурса// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2018. №11, стр.60-66;
- 18.Махкамов З. Протекционизмдан эркин савдо сиёсатига ўтилиши мамлакат экспорт салохиятининг ошишига хиса қўшади// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2018. №3, 40-47б;
- 19.Бахридинов Н. Корхона инновацион фаолиятини молиялаштириш масалалари // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2018. №3, 56-59 б;
20. Надирхонов У. Иностранные инвестиции и региональное развитие республики// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2013. №1, 16-19 б;
- 21.Обломуродов Н. Қишлоқ хўжалигини модернизациялашда инвестиция лойихаларининг аҳамияти // Бозор, пул ва кредит. Тошкент, 2017. №7, 22-25 б;
- 22.Пўлатова М. Ўзбекистон жаҳон молия бозорига интеграциялашмоқда. // Бозор, пул ва кредит. – Тош., 2018. №11, 66-68 б;
23. НиязовФ. Привлекая новые инвестиции// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2012. №7, 15-17 б;
- 24.Абдуллаев А Банк ликвидлигини тартиба солишнинг долзарб масалалари// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2012. №10, 3-6 б;
- 25.Камолов К. Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-куватлаш давлат жамғармаси// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2018. №10, 26-33 б;
- 26.Костюченко А.Оценка резервов развития промышленности // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2017. №7, 26-33 б;

27.Хусанов Н. Кредитные программы для поддержки малого бизнеса и частного предпринимательства// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2012. №10, 21-23 б;

28.Баҳодиров У. Банк тизими ислохотлари ва ютуқлари мухокама қилинди// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №12, 58-62 б;

29.Сатторов Б. Банк тизимининг тадбиркорларини кредитлаш республикамиз ижтимоий-иктисодий ҳаётида муҳим ўрин тутмоқда// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №6, 61-65 б;

30.Мирзаев М. Иқтисодий салоҳият барқарор тараққиётнинг мустаҳкам пойдевори// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №10, 6-13 б;

31.Гайбуллаев О. Инвестициялар ҳажмининг жадал ўсиши – барқарор иқтисодий ўсиш гарови// Бозор, пул ва кредит. Тошкент, 2015. №10, 36-43 б;

32.Маматов Б, Якубова С. Қулай инвестиция мухити – иқтисодиёт тараққиётининг гарови// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №8, 44-52 б;

33.Мангишов Л. Миллий иқтисодиёт ривожида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар аҳамияти// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №10, 44-49 б;

34.Мавлонова Н. Минтақа иқтисодиёти ривожида банклар инвестициялари// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №6, 41-48 б;

35.Акромов Б. Тижорат банклари кредитлаштириш тизимининг янада такомиллаштирилиши аҳоли ва хўжалик субектларини молиявий қўллаб-қувватлаш қўламини кенгайтирмокда// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №6, 25-31 б;

36.Хамидов С.Ўзбекистонда саноат ривожланишининг замонавий тенденциялари: ислохатлар ва натижалари// Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2015. №7,22-28 б;

V.Статистик тўпламлари маълумотлари

1. Ўзбекистон рақамларда статистик тўплам. Ўз.Рес. Давлат статистика қўмитасининг нашри, 2018 й.

2. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. Ўз.Рес. Давлат статистика қўмитасининг нашри, 2019 й.

3. Сирдарё вилоят иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бош бошқармаси маълумотлари.

VI. Интернет тармоғидаги веб-саҳифалар:

1. www.gov.uz
2. www.prezident.uz
3. www.stat.uz
4. www.mineconomy.uz
5. www.mehnat.uz
6. www.strategy.uz
7. www.uza.uz
8. www.cer.uz